


***АҚЛИЙ ТУЗИЛИШНИ ХАРИТАГА ОЛИШ  
ТАФАККУР ВА АҚЛ-ИДРОКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ***

**MAPPING INTELLECTUAL BUILDING  
AND THE CONSTRUCTION OF THOUGHT AND REASON**



**FATHI HASAN MALKAWI**

(ШТ) «Китобларининг қисқача сериялари»

# АҚЛИЙ ТУЗИЛИШНИ ХАРИТАГА ОЛИШ

## тафаккур ва ақл-идрокни шакллантириш

Банан Ф. Малкави томонидан қисқартирилган  
нашри



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

*Бишкек 2022*

УДК 297  
ББК 86.38-6  
Ф 27

**Китоб ҳомийси:**

**Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)**

**Херндон Виржиния АҚШ**

**Билимлар интеграцияси институти (ИКИ)**

**Гуржистон Тбилиси**

Китоб муаллифи: Фатҳи Ҳасан Малкави

Китобни ўзбекчага таржима қилган: Фарҳад Абдуллах – Б.: 2022

Китоб муҳаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма руҳсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини акс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига кафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан  
тасдиқланган. № 32

**Ақлий тузилишни харитага олиш Тафаккур ва ақл-идрокни  
шакллантириш (Uzbek)**

*Фатҳи Ҳасан Малкави*

*ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»*

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

1444 АН / 2022 СЕ

*Paperback* ISBN 978-9967-08-951-8

**Mapping Intellectual Building and the Construction of Thought and Reason (Uzbek)**

*Fathi Hasan Malkawi*

*ИИТ «Books-In-Brief Series»*

The International Institute of Islamic Thought (IIIT)

1441 АН / 2020 СЕ

*Paperback* ISBN 978-1-56564-444-1

*E-Book* ISBN 978-1-64205-343-2

IIIT

P. O. Box 669

Herndon, VA 20172, USA

[www.iiit.org](http://www.iiit.org)

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган  
ISBN 978-9967-08-951-8

УДК 297  
ББК 86.38-6

## **Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари**

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институт нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмунидаги асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқилиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиламизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундайди.

«Тафаккур» масаласи мураккаб бўлиб, унинг шакли ва тузилиши замонавий муҳокаманинг жуда кучли қисмидир. Уни ким бошқаради ва нима учун? «Тафаккур» тушунчаси нимани англатади? Қандай ўрин тутади ва билим, маданият, фалсафа, адабиёт ва фикҳ (чуқур англаш, ҳуқуқшунослик) тушунчаларига қандай муносабатда бўлади? Мактаб ва университет маълумотида «тафаккур» тушунчасини ўрганишни қаердан топамиз? Ислом меросида унинг ривожланиши қандай тушунилади? Му-тафаккир бўлиш учун ақл-заковатини ривожлантирмоқчи бўлганларга қандай ўқув дастурлари ёки воситаларини таклиф қилиш мумкин? Алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки жамиятларнинг интеллектуал шакллантириш ва тузилиш даражасини ўлчаш учун қандай қилиб тест ишлаб чиқишимиз мумкин? Тафаккур ва тил ўртасида қандай муносабат мавжуд? «Тафаккур мактаблари» деганда нима тушунилади?

Тафаккур масаласида ақлга келган кўплаб саволларга аниқ жавоб бериш осон эмас. Бироқ, мусулмон ёшлар ўн тўққизинчи асрдан буён умматни чалғитиб бураётган фикрлар билан ранжиган деб айтиш мумкин. Энди улар, бирон бир амалий тўғри кадамни таклиф қилмай туриб «уйғониш» ғоясини яратиш учун чиранишни давом эттираётган ақлий элита туфайли, тушкунликка тушган фуқаролардир.

Ақлий тузилиш – бу унга аниқ таъриф берувчи ва уни бошқалардан фарқлаб турувчи энг муҳим қарашлар тизимига эга бўлган, уюшқоқлик ва мустаҳкам бирлик билан ажралиб турадиган тузилишдир. Ўзининг мустаҳкам бирлиги ва барқарорлигига қарамасдан, ушбу ақлий тузилиш муайян миқдорий ва сифатли ҳолатда ўрнатилмайди, аксинча, кенглик ва чуқурликнинг доимий ўзгариши ва баъзи унсурлар қийматини йўқотиши билан улар янгилари билан алмаштирилиши мумкин.

Ушбу қурилишнинг мавзуси Яратувчининг инсониятга ато этган ва уларда юксалтирилган тафаккурдир, шунингдек, бу уларнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу ҳар бир инсон соғлом ўсиш, ривожланиш ва такомиллаштириш талабларини инобатга олган ҳолда уни амалга оширишга интилиб, юқори даражада ғамхўрлик қилиши керак бўлган ишончдир.

**Фатҳи Ҳасан Малкави тамонидан асл нуханинг қисқартирилган нашри**

*АҚЛИЙ ТУЗИЛИШНИ ХАРИТАГА ОЛИШ: ТАФАККУР ВА АҚЛ-ИДРОКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ*

ISBN hbk: 978-1-56564-384-0

ISBN pbk: 978-1-56564-373-4

2020

## МУҚАДДИМА

Сўнги бир неча ўн йилликда мусулмон ёшлари тафаккур билан боғлиқ мавзуларни тобора кўпроқ ўрганмоқдалар. Ушбу тадқиқотни рағбатлантирадиган омиллар «ас-Саҳва ал-Исламия» Исломий Уйғониш давридан бошлаб йигирманчи асрнинг сўнги чорагидан, айниқса, мусулмон муҳитида ноанъанавий ақлий лойиҳаларнинг ўсиши билан ақлий ҳаракатни тавсифловчи илмий-ҳуқуқий йўналишдаги умидсизликни ўз ичига олади.

Ислом ақлига бўлган қизиқишнинг ўсиб бориши «инсон тараққиёти» лойиҳаларининг кескин ўзгариши билан бир вақтга тўғри келган. Бундан ташқари, бу мусулмон ёшларнинг устун бўлган бинар қарама-қаршиликларга қарши курашда умматнинг ақлий инқирози билан умидсизликлар натижасидир: мерос/замонавийлик, мустақиллик/қарамлик, қолоқлик/тараққиёт, бирдайлик/глобаллашув, диний/дунёвий ва бошқалар. Ушбу аҳвол ғоялар, мутафаккирлар, ақлий дастурлар ва мактаблар, шунингдек, бу тушунчаларнинг ўртасидаги муносабат ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири ҳақида кўплаб саволлар туғдирган.

Ақлий қурилишни харитага олишни ва чуқур тушунчани аниқлашни тақдим этишда ушбу китобда қабул қилинган методология мавзу тушунчаларини кўриб чиқишда на чекловчи ва на тўла-тўқис эмас. Ушбу китоб тафаккур учун тавсия ва фикрлаш масалалари, унинг билимга, маданиятга, фалсафага, адабиётга ва динга бўлган муносабати, унинг Ислом меросида ривожланиши, жамиятда ва умматдаги ўрни, тилга бўлган алоқаси, алоҳида шахслар, гуруҳлар ва жамиятларда ақлий тузилишни ўлчаш усуллари, шунингдек, тафаккур мактаблари ва мия марказларининг аҳамияти ҳақида фикр юритиш орқали ақлий тузилишни ривожлантириш учун тегишли воситалардан фойдаланиш имкониятидир.

# БИРИНЧИ БОБ

## Тафаккур – Ислом манбаларида

Хусусан, Исломий фикрга мурожаат қиладиган бўлсак, бу жиҳатдан бизнинг қарашларимиз энг муҳим манбаларига, Қуръон ва суннатга асосланган Исломий қарашлар тизимидир. Ушбу бирламчи манбалардан сўнг олимларнинг, яъни Ислом мероси ёки анъанасининг асрлар давомида Ислом ҳақидаги тушунчаларига амал қилиши маълум. Ислом тарихи давомида тафаккур борасида турли қарашлар мавжуд бўлган. Демак, биз фикрнинг маъносини Ислом мероси даврларнинг ўзига хослигида уни англаш ва тушунмасликнинг баъзи усуллари билан чеклашдан қочмоқдамиз.

### Қуръон ва суннатдаги фикр

Фикр – ҳаракат билан ифодаланган ички жараён бўлиб, у шундай ҳаракат натижасининг номидир. Фикр ақл-идрок, ўткирлик ва мушоҳада «иъмал ан-назар» (*i'māl al-naẓar*) ёки тафаккурнинг ҳаракатидир. Фикр ҳам бу ҳаракатнинг натижасини билдирувчи от. Араб тилида «фикр» ақлий фаолиятни амалга ошириш деган маънони англатади, демак, инсон мутафаккирдир (муфаккир). Бирор нарса ҳақида ўйлаш уни тафаккур қилишдир. Худо айтади: «Албатта, у тафаккур қилди ва чамалаб кўрди». (74:18) Фикрлаш – номаълум нарсаларга эришиш учун маълум бўлган нарсаларга таянадиган ақлий фаолият. «Фикр» тушунчаси Қуръонда ўн саккиз жойда, беш кўринишда учрайди ва уларнинг барчаси феъл шаклида, яъни: бир марта «*Факкара*» (74:18); икки марта «*Йатафаккару*» (7:184), (30:8); бир марта «*Татафаккару*» (34:46); ўн бир марта «*Йатафаккаруун*» (3:191), (7:176), (10:24), (13:3), (16:11, 44, 69), (30:21), (39:42), (45:13), (59:21); уч марта «*Татафаккаруун*». (2:219, 266)

«Тафаккур» оддийгина фикрларни одатий онгдан ўтказиши дегани эмас, аксинча, англаш, интилиш, қайта мулоҳаза қилиш ва масалани кўриб чиқиш демакдир. Бу атама охиратнинг эсхатологик масалаларига ҳам, одамларнинг Робби билан бўлган муносабатларига ҳам, шунингдек, ҳар икки соҳада ҳам шахс, жамият ва уммат учун фойда келтирадиган дунёвий масалаларга ҳам тегишли. Аллоҳ Таоло «Бақара» сурасида айтади: «...Аллоҳ шундоқ қилиб сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки тафаккур қилсангиз. Бу дунё ва охират ҳақида...» Бундан ташқари «фикр» ва «тафаккур»нинг маъноси кўпинча тадбирлилик (*тадаббур*), дарсларни билиб олиш (*итибар*), ақл-идорк (*ақл*) ва назар ёки ўткирлик (*назар*) каби бошқа атамалар орқали Қуръонда келади. Фикрга доир Қуръон оятлари мажмуидан тушунчанинг маъносини ифодаловчи аниқ кўрсатмалар тўпламини келтириб чиқаришимиз мумкин:

1. Бу янги аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун ақлий ҳаракатни қўллаш ёки ақл-идрокни муайян нарсаларга жалб қилиш жараёнидир.
2. Бу керакли натижаларга эришиш мақсадида ақлий муаммоларда иштирок этишни такрорлаш, давом эттириш ва акс эттириш орқали амалга ошириладиган фаолиятдир.
3. «Тафаккур» учун материал мавжуд бўлиб, у ақлий қарашни ва унинг унсурлари ва таъсирини ўйлашни талаб қилади.
4. Энг муҳими «тафаккур»-нинг натижаси: янги дарс ва билимларни ўрганиш, сўнгра бу билимларни қўллаш.

Пайғамбарлик анъанасида фикр тушунчаси кўпинча «*ақл*», «*назар*» ва «*тадаббур*» каби турли атамалар ёрдамида маъно берадиган Суннат тўпламларида учрайди. «*Тафаккур*» атамаси ҳадиснинг мавзусидир: «*Ҳар бир нарса ҳақида тафаккур қилинг, лекин Аллоҳнинг ҳақиқий борлигини тафаккур қилмагин*». <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ал-Ҳофиз ибн Ҳажар «Фатҳу-л-борий»да (13/283) айтади: Ибн Аббоснинг ҳадиси мавкуф (тўхтатилган ҳадис) бўлиб, унинг узатиш занжири яхши – ибн Ҳажар Асқалоний, Аҳмад ибн Али (вафоти 853-ҳж), «Фатҳу-л-борий би шарҳи саҳихи-л-Бухорий» (Ижодкорнинг ғалабаси:



## Ислом меросидаги фикр

«Фикр» ва «тафаккур» атамалари (муаллифларнинг қилган саъй-ҳаракатлари фақат ўз фикрларининг маҳсули эканлигини ҳисобга олган ҳолда), Ислом мероси «*турас*» (*turāth*) билан шуғулланувчи олимларнинг кўплаб асарлари сарлавҳаларида кўринмоқда. Бу фикрнинг ўзи улар китобларининг мавзуси дегани эмас. Бошқа бир қанча китобларда эса, тасаввуф ва тазкия рисоалари ҳақида гапирилмаса ҳам, ақида (иймон), калом (Ислом илоҳиёти), усулул фикҳ (фикҳ асослари), тафсир (Қуръон изоҳи) каби турли илмлар пайдо бўлиб, улар тафаккур мавзуси билан аниқ шуғулланадилар. Бу мавзу Ислом меросида қандай тушунилганлиги, унинг маънолари қандай изоҳланганлиги ва атаманинг турли маънода келиши ҳамда қандай контекстда ривожланганлигини тушуниш муҳимдир.

Бу ерда Ислом тарихининг бошқа-бошқа даврларида яшган учта олимга мурожаат қилиш кифоя. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тажриба, тафаккур мактаби ва турли шароитларга эга, лекин шунга қарамай, уларнинг ақл ва тафаккур муаммолари ҳақидаги ғоялари деярли бир-бирига мос тушади. Булар: Ал-Ҳорис ал-Муҳасибий (вафоти 243-хж), Абу Ҳомид ал-Ғаззолий (вафоти 505-хж) ва Ибн Қаййим ал-Жавзийя. (вафоти 751-хж)

Имом ал-Муҳасибий ўзининг «Китоб ал-ақл ва фаҳм ал-Қуръон» (Қуръоннинг ақли ва тушунчаси ҳақида китоб) асарида фаҳм ва «ақл» билан боғлиқ бўлган ҳадисларнинг ҳақиқийлиги ҳақида ўз фикрини олға суради ва бу китоб Му-

---

Саҳихи Бухорийга шарҳ), Абдулазиз ибн Боз ва Фуад Абдулбоки таҳрири остида (4-нашри, Байрут: Дар ал-Кутуб ал-Илмийя, 2012), Китаб ат-Тавҳид, №7402 ҳадиси, 13-жилд, 326-бет. Бошқа бир ҳадисда шундай дейилган: «...Мен ўзимни англашни (тафаккарту) бошлаб, дунё ўт-кинчи ва тугайдиган эканини тушундим...» ва шу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида эса: «Мен ишимга назар ташладим (назарту) ва дунё ўт-кинчи эканини тушундим...», «назар» атамаси ривоятларда «тафаккур» билан бир-бирининг ўрнида қўлланган – Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснад ал-Имом Аҳмад Ибн Ҳанбал (Ар-Риёд: Байт ал-Афкар ал-Дувалийя, 1998), Муснад ал-Маданийин, Ҳадис (16695), 1184-бет.

тазилийлар фикри даври (Маъқуллиги даври) деб номланадиган вақтнинг маданиятига таъсирланиши сифатида ёзилган. У мўминнинг Аллоҳ китобидаги нарсаларни ақли «яъқил» (*ya'qil*) билан тушуниши, яъни унинг чуқур англаш ва тушунтириш зарурлигига эга бўлганлигини таъкидлайди.<sup>2</sup>

Ал-Мухасибий «ақл»нинг аҳамияти ва марказийлиги фойдасига инсонлар фикрлаш, ақс эттириш ва эслаб қолишдан мустақил фаолият кўрсата олмайди, деб таъкидлайди. Фақат узоқ ва синчков тафаккур, пухта ўйлаб кўриш ва такрор-такрор фикрлар орқали инсон доноликка эришади ва ўз билими ва дунёқарашини такомиллаштиради.<sup>3</sup> Худога бўлган қатъий ишонч Қуръон оятлари ҳақида мулоҳаза юритиш орқали ва якуний натижаларни олдиндан кўриш орқали келади.<sup>4</sup> Бундай тақводор ақлий фаолият билан машғул бўлганлар ақл-идрокли, улкан қалбли одамлардир: «улу ал-албаб» (*ulū al-albāb*).<sup>5</sup> Бундай одам Худони фақат ақл-идрок билан билиб олади ва Унга фақат билим билан итоат этади.<sup>6</sup> Ал-Мухасибийнинг хабар беришича, иймон даражаси маъқуллик ва тушуниш даражасини, маъқуллик даражаси эса билим олиш даражасини белгилаб беради.<sup>7</sup>

Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ўзининг машҳур «Иҳя Улум ад-Дин» (Диний илмларнинг жонланиши) асарида «Китоб ат-Тафаккур» (Тафаккур китоби) деб номланган бўлим бор. Ушбу бўлимда муаллиф тафаккурнинг фазилатини муҳокама қилади,

---

2 Ал-Ҳорис ибн Асад ал-Мухасибий «Ал-Ақл ва Фаҳм ал-Қуръон» (Қуръоннинг ақли ва тушунчаси ҳақида китоб), Ҳуссейн ал-Қувватли таҳрири остида (Дамашк: Дар ал-Фикр, 1971), 209-бет.

3 Ал-Ҳорис ибн Асад ал-Мухасибий «Ал-Ақл ва Фаҳм ал-Қуръон», 235-236-бет.

4 Ал-Ҳорис ибн Асад ал-Мухасибий «Ал-Ақл ва Фаҳм ал-Қуръон», 266-268-бет.

5 Ал-Ҳорис ибн Асад ал-Мухасибий «Ал-Ақл ва Фаҳм ал-Қуръон», 275-бет.

6 Ал-Ҳорис ибн Асад ал-Мухасибий «Рисолат ул-Мустаршидин» (Кўрсатма изловчилар учун рисола), Абдулфаттоҳ Абу Ғудда томонидан таҳрир қилинган ва шарҳланган (5-нашри, Қоҳира: Дар ал-Салам ал-Исламийя, 1983), 97-99-бет.

7 Ал-Ҳорис ибн Асад ал-Мухасибий «Ал-Васая: ал-Насаъих, ал-Қасд ва ал-Ружуъу ила Аллоҳ, Бид Ман Анаба ила Аллоҳ, Фаҳм ас-Салаг, ат-Таваҳхум» (Маънавий кўрсатмалар китоби), Абдулқодир Аҳмад Ато томонидан таҳрирланган ва шарҳланган (Байрут: Дар ал-Қутуб ал-Илмийя, 1968), 247-бет.

фикрлашнинг воқелиги ва натижаларини ва Худонинг яратилишини тафаккур қилиш усулини баён қилади.<sup>8</sup> У фикр ҳамма яхшиликларнинг боши ва калити деб даъво қилмоқда. Барча илм-фанлар, билимлар, ҳаракатлар ва улар билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса тафаккур махсулидир. Фикр билимга айланади, билим қалбни таъминлайди ва натижада инсоннинг ҳаракатлари ва ишларига таъсир қилади.<sup>9</sup>

Ибн Қаййим ал-Жавзия ҳам илм, тафаккур ва мушоҳаданинг фазилати ҳақида «Мифта Дар ас-Саъада ва Маншур Виляят Аҳл ал-Илм ва ал-Ирада» (Саодат масканининг калити ва илм ва ирода устунлиги ҳақидаги фармон) деб номланган кўламли китоб ёзган. Унинг таъкидлашича, бахт ва муваффақият даражаси икки йўл билан амалга оширилади: билим ва ирода, бу ерда ирода бахтга эришиш учун эшиқдир ва билим ушбу эшикнинг калитидир, унинг очилиши билимга боғлиқ.<sup>10</sup>

Ал-Жавзия «тафаккур» (мушоҳада) ва «тадҳаккур» (хотира) Қуръонда учрагани каби илоҳий ҳидоят ва муваффақиятнинг асоси ҳамда саодатнинг икки устуни эканлигини таъкидлайди. Тафаккур бу аллақачон эришилган билимлардан ҳали эришилмаган билимларни олиш учун қалбни излашдир. Бу билим одамга нимани излаш кераклигини ва нимадан қочиш зарурлигини тушунишга ёрдам беради.<sup>11</sup>

---

8 Абу Ҳомид ал-Ғаззолий «Ихя Улум ад-Дин» (Диний илмларнинг жонланиши), (Байрут: ал-Мактаба ал-Асрийя, 2004), 5-жилд, 3-34-бет.

9 Абу Ҳомид ал-Ғаззолий «Ихя Улум ад-Дин», 7-8-бет.

10 Ибн Қаййим ал-Жавзия, Абу Абдуллох Мухаммад ибн Абу Бакр ибн Айюб «Мифта Дар ас-Саъада ва Маншур Виляят Аҳл ал-Илм ва ал-Ирада» (Саодат масканининг калити ва илм ва ирода устунлиги ҳақидаги фармон), Абдурахмон ибн Ҳассан ибн Қаъид таҳрири остида (Ар-Риёд: Дар Алам ал-Фаваъид), 124-бет.

11 Ибн Қаййим ал-Жавзия «Мифта Дар ас-Саъада ва Маншур Виляят Аҳл ал-Илм ва ал-Ирада», 606-607-бет.

## Тавҳид, Тазкия ва Умрон сифатидаги фикр

Тазкия (ўз-ўзини поклаш) жиҳатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, инсон томонидан тақвога (диндорлик), зуҳдга (зоҳидлик ёки дунёвий ҳаётга майл қилмаслик) ва охиратдаги ҳаётни излашга эришиш учун амалга оширилган маъқуллик, мушоҳада ва хотира жараёнлари инсон ҳаётидан яхши улуш олмаслиги шарт дегани эмас. Дунё ҳаётининг улуши олимлар билан мулоқот қилиш, билим излаб саёҳат қилиш, яшашнинг яхши шароитларини топиш ва савдо, кишлоқ хўжалиги ва касб-хунар каби соҳаларда касбий маҳоратга эга бўлишни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси ақл-идрок, тафаккур ва хотирадан амалий фойдаланишни талаб қилади. Мушоҳада ва хотира мўминларни мукофотлаш учун зарур бўлган амалиётдир ва ер юзидаги ҳаётни ривожлантириш учун зарур бўлган ҳаракатлардир «умрон». (*'umrān*)

Қуръон оятлари ҳақида мулоҳаза юритиш, бу оятлар билан боғлиқ оламшумул ва умуминсоний аломатларни мушоҳада қилиш ва ўтган авлодлар қиссаларидан сабоқ олиш – буларнинг барчаси Яратувчига, Унинг бирлигига, Унинг исмлари ва сифатларига (тавҳид) иймон келтиришга олиб келади. Бунинг оқибатида, ягона Яратувчининг розилиги олиш ва Унинг норозилигидан қочиш ниятида руҳини поклашга «тазкия»га интилиш табиий натижага айланмоқда. Бу йўл фикр, билим, тушуниш ва кашфиётларни қуришга олиб келадиган узоқ вақт мушоҳада қилиш, тушуниб етиш ва сабоқларни олишни талаб қилади. Цивилизацияларнинг урф-одатлари, қонунлари ва назариялари бундай билим ва кашфиётларнинг ақлий ривожланишидан келиб чиқади. Ушбу илм-фан ва кашфиётларнинг қиймати уларнинг амалда қўлланиши ва ер юзи бўйлаб ўсиши ва ривожланиши «умрон» учун ҳақиқий фойдадир. Иймонлилар бу дунёнинг аниқ нарсалари ҳақидаги билимларни охиратга йўл эканлиги билан бирлаштирадилар.

Агар «тавҳид», «тазкия» ва «умрон» учлигининг бирлиги ҳаётга татбиқ этилса, унда умумбашарий, психологик, ижтимоий ва тарихий белгилар, умуман Қуръон аломатлари билан бирга мушоҳада, олдиндан кўриш ва сабоқларни олиш мавзуларига айланади. Шунингдек, улар илм чегараларини кенгайтириш ва мусулмон жамиятларини тараққиёт ва ривожланишга кўтарадиган ва чинакам кашшоф бўладиган тадқиқотлар учун мавзуларга айланадилар.

## **Фикр – Иймон, Билим ва Ҳаракат сифатида**

Агар Ислом моҳиятан иймон, билим ва ҳаракат бўлса, у ҳолда бу уч тушунчага нисбатан фикрнинг ўрни қандай? Дарҳақиқат, фикр Ибн Ал-Қаййим айтганидек, бу уч қисмининг асосий унсуридир: «Барча назарий билимлар ва амалий ҳаракатларнинг асосини ғоя ва фикрлар ташкил этади».<sup>12</sup>

### *А. Иймон ва билим ўртасидаги боғлиқлик*

Иймон ва билим ўртасидаги боғлиқлик, аслида, ишонч ва фикр ўртасидаги боғланишдир, чунки Исломда иймон – бу ишонч субъектларини рационаллаштириш, унинг воқеликларни билиш, унсурларини эслаб қолиш ва мазмунини кўриб чиқиш орқали амалга ошириладиган ақлий масъулиятдир. Бу билимларсиз иймонли инсоннинг масъулияти камаяди ва ва инсон кадр-қимматидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларда билувчи ва жоҳиллар тенг шартларда бўлмайди, чунки билувчи ўзининг иймони билан хавфсиздир, жоҳилларнинг иймони эса биринчи синоздаёқ силкитилади. Аллоҳ айтади: «...Сен: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!» деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эсларлар». (39:9)

---

12 Ибн Қаййим ал-Жавзия, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Айюб «Ал-Фаваъид» (Ҳикматлар тўплами), Муҳаммад Азиз Шамс таҳрири остида (Макка: Дар Алам ал-Фаваъид, 1429-ҳж), 252-253-бет.

Аллоҳ Таоло Қуръоннинг қатор оятларида иймонни илм билан боғлайди, шу жумладан: «Илм ва иймон берилганлар: «Ба- таҳқиқ, Аллоҳнинг китоби бўйича қайта тирилиш кунигача турдингиз. Бас, бугун қайта тирилиш кунидир. Лекин сизлар билмас эдингиз», дерлар». (30:56) Ислом тушунчасида «илм» – бу нарсалар ҳақидаги илмни (табиий ва физик фанлар), хулқ- атвор, психология ва жамиятни (гуманитар ва ижтимоий фан- лар) ҳамда диний таълимот ва иймон масалаларини (диний фанлар) ўз ичига олган Қуръоннинг кенг маънодаги билимидир. Ислом қурмоқчи бўлган жамият бу иймон ва билим бир-бири- ни тўлдирувчи ва бирлаштирувчидир, унда барча илмий мута- хассисликларнинг «олимлар иймони» ва уларга ихтисослашган «диндорларнинг билимлар» ўртасида бирлашма ва боғлиқлик мавжуд бўлган жамиятдир.

### *Б. Иймон ва ҳаракат ўртасидаги боғлиқлик*

Қуръонда эллик бир оят бор, унда иймон яхши ишлар билан боғлиқ, масалан: «Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатар- ларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди». (24:55) Шунингдек, иймон ва ҳаракат ўртасидаги тарқоқлик ва келишмовчиликни қораловчи бошқа кўплаб оятлар бор.

Қуръондаги «иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилган- лар» уюшмаси оятларнинг аксариятида кўп сонда топилмоқда. Иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни бажарганлар гуруҳни тузادилар. Диндор жамоа билим асосида бирлаштирилади ва унинг амаллари ушбу билимларга мувофиқ амалга оширилади.

Бу умматнинг ривожланишини, жонланишини амалга оширишнинг муҳим белгиси бўлиб, у жамоа учун умумий қарашни, яъни иймонни талаб қилади ва бу иймон солиҳ амалларнинг тезлаткичидир.<sup>13</sup>

### *В. Билим ва ҳаракат ўртасидаги боғлиқлик*

Ислонда ибодат тушунчаси кенгдир. У диннинг буйруқлари ва қонунларини бажариш орқали Худонинг мукофотини излаётган шахс томонидан амалга оширилган барча ихтиёрий ҳаракатларини ўз ичига олади. Бирор ҳаракат инсонни Худога яқинлаштиришини ёки йўқлигини билиш Худонинг амрларини англашни ва кейин уларни бажаришни талаб қилади. Шу тариқа, диний уламолар «Иқтида ал-илм ал-амал», яъни илм амални талаб қилганлигини ва билим билан ҳаракат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъкидлайдилар.<sup>14</sup> Ал-Роғиб ал-Исфохоний айтади: «Ибодатнинг икки томони бор: илм ва амал. Иккаласи бир-бирига боғлиқ бўлиши зарур, чунки билим пойдевордир, ҳаракат эса иморатдир. Иморатсиз пойдеворнинг қадри йўқ, иморатни бўлса пойдеворсиз мустаҳкам қилиб қуриб бўлмайди. Худди шундай, билимга ҳаракат ҳамроҳ бўлмаса – фойдасиз, билимсиз ҳаракат ҳам фойдасиздир».<sup>15</sup> Ушбу урғу Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаракат билим эканлиги ҳақидаги сўзларида яққол намоён бўлади: «...Билимга эга бўлган оз миқдордаги амаллар фойдали бўлади, аммо билимсиз кўплаб амаллар ҳеч қандай қийматга эга эмас».<sup>16</sup>

13 Абдурахмон Хелали «Иктиран ал-Иман би ал-Амал ас-Салех фий ал-Қуръан ал-Карим ва Далалату ал-Ҳадарийя» (Қуръони Каримда иймоннинг солиҳ амаллар билан боғлиқлиги ва унинг цивилизация намоёнлари), Мажалат Жамиъат Динашқ ли ал-Улум ал-Иқтисадийя ва ал-Қанунийя (Дамашқ Университети Иқтисодиёт ва Қонун Журнали), 2011., 439-463-бет.

14 Аҳмад ибн Али ибн Сабит ал-Хатиб ал-Багдади (вафоти 463-ҳж) «Иқтида ал-Илм ал-Амал» (Илм Амални Талаб қилади), Муҳаммад Насируддин ал-Албани таҳрири остида (Дамашқ: ал-Мактаб ал-Исламий, 1984).

15 Абулқосим ал-Хуссаин ибн Муҳаммад ибн ал-Муфалал ал-Роғиб ал-Исфохоний (вафоти 502-ҳж) «Тафсил ан-Насхатайн ва Таҳсил ас-Саъадатайн» (Яралишнинг икки шаклини тушунтириши ва саодатнинг икки шаклини топиши), (Байрут: Дар Мактабат ал-Ҳаят, 1983), 85-86-бет.

16 Абу Умар Юсуф ибн Абд ал-Барр (вафоти 463-ҳж) «Жамеъ Баян ал-Илм ва Фадлуҳ» (Билимнинг моҳияти ва унинг катта афзалликларини тушунтирувчи тўплам), Абу ал-Ашбал

Билимнинг ҳаракат билан алоқаси иймоннинг Ислом (итоат-корлик) билан боғланишига ўхшайди, чунки иймон илм билан, экзотерик (ҳаммабоп) Ислом эса амал билан ўлчанади.

Худонинг Пайғамбарларга юборган хабарлари – Яратувчи ва мавжудотлар, шунингдек, ҳаёти ва инсон ҳаётининг мақсади ҳақидаги ғояларни инсонлар қабул қилиш учун мўлжалланган дунёқарашни ўзида мужассам этган ислоҳотчи ғоялардир. Хабарларга хавфсизлик, адолат, моддий фаровонлик ва дунёвий эсон-омонликка эришиш учун инсоний муносабатларнинг тизимлари ва қоидалари киради. Бу Аллоҳнинг охиратдаги ҳакамликнинг ўлчовидир. Ушбу хабарлар ғоялар ва бу ғояларнинг амалий тимсолидир. Шу кунгача юз миллионлаб одамлар бу ғояларга амал қилишда ва уларни ҳаётга татбиқ этишда давом этмоқдалар. Билим ва фикр ўртасидаги муносабатни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Билимни тасдиқлаш учун фикр керак: билим фойдали бўлмаса, демак қонуний эмасдир ва фикрни ўзида мужассамлаштирмаса, фойда келтирмайди.
2. Фикр ишончли бўлиши учун билимга муҳтож: агар фикр ҳақиқий ва мавжуд бўлмаса, демак соғлом эмасдир ва билимни ўзида мужассамлаштирмаса, ҳақиқий эмасдир.<sup>17</sup>

Иймон, билим ва ҳаракат ўртасидаги муносабатни ҳам қуйидагича умумлаштириш мумкин: Билим иймонни ҳосил қилади ва оширади, иймон эса ҳаракатлар ва амалга оширишда намоён бўлади.

---

ал-Зуҳайри таҳрири остида (1-нашр, Даммам: Дар Ибн ал-Жавзий, 1994), Баб фий Фадл ал-Илм, 1-жилд, №214 Ҳадиси, 202-бет.

17 Таха Абдурахмон «Сўял ал-Амал: Баҳс ан ал-Усул ал-Амалийя фий ал-Фикр ва ал-Илм» (Амал ҳақида савол: фикр ва билимда амалий асосларни топиш), (Қасабланка ва Байрут: ал-Марказ ат-Тақафи ал-Араби, 2012),308-бет.



## «Исломий тафаккур» атамаси

«Исломий тафаккур» атамаси йигирманчи асрда кенг тарқалган замонавий атама бўлиб, хусусан, мусулмон мутафаккирлари келтирган Ғарб олимлари фикрларининг унсурларига ҳақиқий муқобил сифатида қарашларини англатади. Қуръонда ва Ислом нақлида фикр ва мушоҳада тушунчаси чуқур илдиз отган ва узоқ давом этган тушунча бўлса-да, бу атама Ислом меросида маълум эмас эди.

Биз ҳозир «Исломий тафаккур» деб атайдиган нарса Ислом тарихига оид илк битикларда одатда «илм» (билим) ва «фикҳ» (чуқур тушуниш) каби атамалар билан юритилар эди. Диний фанларнинг маълум бир тоифасига (ҳуқуқшуносликка) тааллуқли атамага айланишидан олдин, «фикҳ» атамаси, Қуръон матнлари ва ҳадис матнларидан келиб чиққан ҳолда, умумий маънода «мутлақ тушуниш» деган маънони англатган эди.

Кейинги асрларда мусулмон уммати бошидан кечирган кетма-кет мағлубиятлар, сиёсий парчаланиш ва фикрий бетартиблик ҳамда мустамлакачиликдан сўнг айрим мусулмон олимлари Шарқнинг Европа Ғарби билан муносабатларини, Ғарб илмларидан фойда олиш зарурлигини ва уйғониш (*наҳда*) масаласини муҳокама қила бошладилар. Уларнинг асарлари анъанавий Ислом ҳуқуқшунослигидан тобора ажралиб, «Ғарб фикри»га қарама-қарши ўлароқ «Исломий тафаккур» тушунчасида аниқ шакл олган. Кўпгина анъанавий Исломий доиралар ханузгача «Исломий тафаккур» атамасини рад этади, аксинча хижратнинг дастлабки беш асрида пайдо бўлган анъанавий чегараларида Исломий илмлар билан шуғулланишни афзал кўрадилар. Уларнинг кўпчилиги «фикр» атамасини ҳақиқий илмдан муртадлик деб ҳисоблайдилар. Улар оқилона танқидига ва «мақасид» ёндашувига (дин ниятлари) асосланган Исломий

тафаккурга эътиборни муқаддас матнларнинг кадрезиланиши ва уларнинг заруриятдан қочиш воситаси деб ҳисоблашади.

Шунга қарамасдан, Исломи дини ва мусулмон уммати хизматига қимматли ақлий, илмий ва амалий ҳисса қўшган, Исломиёй ўзига хослиги ва мансублиги сўроқ қилинмайдиган кўплаб ёзувчи ва фаоллар бўлган. Бундай шахслар турли фанларда намоён бўлади: муҳандислар, шифокорлар, кимёгарлар, физиклар, психологлар ва ҳоказо. Бироқ, Исломиёй тафаккур доираси билан ўзларини аниқлашга уринган баъзи бир шахслар, аслида, Исломиёй тафаккурга тажовузкорлар бўлиб, унинг доираларида кўп вақт ва куч талаб қилган аҳамиятсиз ва самарасиз низолар ва баҳс-мунозараларни авж олдирганлар. Эҳтимол, бундай тортишувлар нотўғри ақлий ҳукмлар ёки билимга эга бўлмаган самимиёй уринишлар натижаси эдилар. Шу билан бирга, мусулмон жамиятларида ақлий бетартиблик ва тартибсизликни келтириб чиқаришни ёмон ниёт билан қилиб чиққанлар ҳам бор эди.

### **Фикрлар ва ҳиссиётлар**

Ақлий қурилиш нафақат ҳиссиёт ва туйғулардан маҳрум бўлган қуруқ ақлий машқдир, аксинча у ҳаракатни кучайтирадиган ишончдир ҳамда хулқ-атворни ва ғоялар, нарсалар, шунингдек, одамлар билан ўзаро муносабат усулларини уйғотадиган ақл ва онг ҳолатидир. Фикр инсоннинг ўз-ўзини англаши ва атроф-муҳитини тушуниши бўлса, инсон туйғулари унинг шахсият ва мавжудлигининг асосий унсуридир. Бу ҳис-туйғуларини англаш тегишли қарорлар қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган билимни тушунишга нисбатан кам бўлмаган муҳим аҳамиятга эга. Фикрни яхши ёки ёмон деб баҳолаганингизда ва бу фикрни ижобий ёки салбий деб билганингизда, бу саволга жавоб беришни англатадими: Мен бу фикрга қандай қарайман?

Имом ал-Бухорийдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қози ғазабланганда икки киши ўртасида ҳукм чиқармаслиги керак». <sup>18</sup> Ушбу ҳадис фикр ва ҳиссиёт ўртасидаги муносабатни тушунишга сезиларли ёрдам беради. Маълумки, инсон ташвишли, жаҳлдор, хафа ёки уятчан ва оғриқ ва ачиниш туйғулари билан курашганда, бу аҳволларнинг барчаси аниқ фикрлаш қобилиятига халакит беради. Психотерапия соҳасидаги манбалар «Сиз ўз фикрингизни ўзгартириб, ҳис-туйғуларингизни ўзгартиришингиз мумкин», деган когнитив хулқ-атвор терапияси ғоясини илгари сурди. <sup>19</sup> Киши учун ҳис-туйғулар тафаккурни қандай бузаётганини ҳамда фикрлашда бузишлар ва хатоларга олиб келишини кузатиш муҳимдир. Шунга кўра, улар инсон бошлаган психологик туйғуларини чуқурлаштирадilar. Тегишли усул ва услубларни олиш унга янада мувозанатли ва етук фикрлашга ва доно қарор қабул қилишга ёрдам беради. <sup>20</sup> Қуръонда мушоҳада, хотира ва олдиндан кўриш каби тафаккур жараёнлари ҳақида кўп гапирилса, Қуръондаги ҳиссиётлар, туйғулар ва таъсирлар мисоллари руҳни бошқариш ва инсон шахсини мувозанатлаш ҳам бирдек муҳимдир.

Қуръон ҳайвонларга бўлган раҳм ва шафқат ҳақида гапирма-сада, эр-хотин, ота-оналар ва болалар, қариндошлар, диний ака-укалар ва опа-сингиллар, хатто инсонпарварликда бўлган шериклар ўртасидаги севгига, садоқатга, шафқатга, содиқликка, яхшиликка ва раҳмга тўла эътибор қаратади. Бундан ташқари, қалбни англаш, тушуниб етиш, маъқуллик ва идрок қилиш воситаси сифатида, сўнгра ишонч ёки ишонмаслик воситаси сифатида кўриб чиқишда Қуръон жуда муҳим аҳамиятига эга

---

<sup>18</sup> Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий «Саҳиҳи Бухорий» (Дамашк: Дар Ибн Катир, 2002), Аҳком китоби. Қози ғазабланганда қарор қабул қилиш ёки ҳуқуқий фикр билдириш мумкин ёки мумкин эмаслигини билдирган боб, №7158 ҳадиси, 1768-бет.

<sup>19</sup> Мэттью МакКэй, Марта Дэвис ва Патрик Фаннинг «Фикрлар ва ҳис-туйғулар: кайфиятингиз ва ҳаётингизни бошқариш», 4-нашр (Нью Харбингер Пабликэйшнс, 2011).

<sup>20</sup> Мэттью МакКэй, Марта Дэвис ва Патрик Фаннинг «Фикрлар ва ҳис-туйғулар: кайфиятингиз ва ҳаётингизни бошқариш», 115-бет.

бўлади. (масалан, 22:46, 7:179, 4:155, 5:41 каби оятларга қаранг) Пайғамбарнинг ҳадислари ҳам қалбнинг солиҳлиги ва бузуклигини кўрсатиш учун жуда муҳимдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Шак-шубҳасиз, инсон танасида бир парча эт бор. Агар у тузалса, (одамнинг) бутун танаси тузалади. Агар бузилса, тананинг ҳамма аъзоси бузилади. Огоҳ бўлинглар, у қалбдир», – деганлар.<sup>21</sup>

---

<sup>21</sup> Ал-Бухорий «Саҳиҳи Бухорий», Китоб Бид ал-Ваҳий, Боб Фадл ман Истабра ила Дини, №52 ҳадиси, 20-бет..

## ИККИНЧИ БОБ

### **Ақлий тузилиш ва унинг даражалари**

Ақлий тузилиш – бу муайян тушунчага мувофиқ амалга ошириладиган, кетма-кет боскичлардан ўтиб, кўплаб даражаларга эришадиган «жараёндир». Ақлий тузилиш даражасидаги фарқлар шахслар билан чекланмайди, балки гуруҳ, жамият ёки уммат билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ўзгариш ақлий бойлик ва ақлий банкротлик даража ўртасида намоён бўлади. Шунингдек, у ақлий қурилиш даражаси билан чекланиб қолмай, балки нарсалар оламига ёки одамлар дунёсига қизиқишдан фарқли ўлароқ ғоялар оламига қизиқиш даражасини ҳам назарда тутиши мумкин.

### **Ақлий тузилиш: фикрдаги тузилиш**

Ақлий тузилиш – бу иккита сўздан ташкил топган исмдир: қурилиш ва фикр, иккаласи ҳам инсон фаолиятидаги муҳим сўзлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳаракатнинг «бажарилиши» деган феълдан ясалган от бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳаракатга ва бундай ҳаракатнинг натижасига ишора қилади. Фикрга толиш, албатта, энг эзгу машғулотлардан бири ҳисобланади. Фикр шахсда бутун вужуд сифатида пайдо бўлмайди ва уни бир йўла шаклида таъминлайдиганлардан олинмайди, аксинча, у шахс томонидан, қадам-бақадам қурилади. Қурилиш тушунчаси тизимсиз ётқизиш ва тўплашдан фарқли ўлароқ, режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этиш билан бирга келади. Тафаккур тушунчаси мустақкам билимсиз таклид қилишдан, йўл-йўриқсиз қарамликдан ва тушунмасдан кўр-кўрона мутаассибликдан фарқли ўлароқ, мустақкам билим, ҳар томонлама маданият ва яхши бошқариладиган хабардорлик билан бирга келади. Кам фикрларнинг ҳаракатлари инжикликларга бўйсунди, хоҳ ўзларининг

ёки бошқаларнинг бўлсин. Ақлий тузилиш – инсоннинг шахсияти ақлий ва психологик қурилиши натижасида шаклландиган инсон ичида ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ва ўсиш билан ажралиб турадиган инсоний мавжудотнинг қурилишидир. Агар ақлий тузилиш фактлар, тушунчалар, тамойиллар ва назариялардан келиб чиқадиган нарсалар билан бирга ишонч ва оқилона қарашлар билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, рухий қурилиш, биринчи навбатда, ирода, сабаблар ва ҳис-туйғулар инсоннинг амалий хатти-ҳаракатини бошқарадиган ҳиссий ва реакцион жиҳатлар билан боғлиқдир. Одамлар ақлий ва оқилона жиҳатдан маълумот ва ривожланишга муҳтож бўлганидек, улар рухий ва ҳиссий жиҳатдан ҳам маълумот ва ривожланишга муҳтож бўлиб, бу икки томоннинг ҳар бири маълумот ва ривожланишдаги ўз материаллари ва усулларига эгадир.

Фикр тафаккур жараёнининг маҳсули бўлиб, тафаккур жараёни эса инсоннинг онгли ёки онгсиз равишда бажарадиган ички ақлий фаолиятидир. Бу жараён инсонда намоён бўладиган хулқ-атвор ёки хатти-ҳаракатларидан илгари юз берган ёки уларга ҳамроҳлик қиладиган фикрлар, тасаввурлар ва ҳиссий ёки реактив идрокларнинг ўтишини ўз ичига олади. Шундай қилиб, фикр тўғри ёки нотўғри бўлиши мумкин бўлган инсоний ҳаракатдир ва шунинг учун беайб ёки муқаддаслик билан ажралиб турмайди. Бу фикрнинг ҳақиқий ваҳий ва соғлом ақлга асосланганлиги, шунингдек, фактлар ва табиат билан мослиги савияси унинг тўғрилигига яқинлигини ва хатодан узоқлигини белгилайди.

### **Ақлий тузилиш босқичлари ва даражалари**

Психолог Малик Бадри тафаккур муаммосини Ислом нуқтаи назаридан чуқур ўрганади. Иймонлиларнинг Худо билан муносабатларидаги ҳолатини ўрганиб, у инсон тафаккури тўрт босқичдан ўтади, деган хулосага келади. Барча одамлар, ий-

монлилар ва иймонсизлар биринчи ва иккинчи босқични баҳам кўришадилар, иймонлилар эса учинчи босқичга, ва баъзилари тўртинчи босқичга ўтадилар. Бадри «маънавий билиш» (шуҳуд) босқичи деб атайдиган тўртинчи босқичдан ташқари дастлабки уч босқичга хос номлар бермайди.

Кейинги саҳифадаги жадвалда Бадри таърифлаган тафаккурнинг тўрт босқичи тасвирланган.<sup>22</sup>

---

<sup>22</sup> Малик Бадри «Тафаккур: Исломий маънавий-психологик ўрганиш» Абдулваҳид Луълуға таржимаси (Ҳерндон, Виржиния: Халқаро Ислом Тафаккури Институти, 2000), 30-31-бет.

<b>Босқич хусусиятлари</b>	<b>Тафаккур босқичи</b>
<p><i>Сезги идроки ёки мавҳум тасаввур орқали олинган билимларни тафаккур қилиш, шу билан назарий билимларни эгаллаш асосида амалий қўллаш қурилади. Бу кўптинча ҳиссий жиҳатлардан маҳрум бўлган ақлий босқичдир (яъни совуқ билимлар).</i></p>	<p><i>1-босқич: Моддий идрок</i></p>
<p><i>Идрок қилинаётган объектни оддий тушунишдан объектнинг гўзаллиги ва мукамаллигини ҳиссий идрок этиши билан тўлган англашига ўтиши, шу билан бирга нозик баҳо ва реактив лаззатланиш ҳолатини касб этади.</i></p>	<p><i>2-босқич: Реактив тушуниш</i></p>
<p><i>Яратилиш гўзаллигини идрок этишидан тортиб, шу мукамал гўзалликнинг Яратувчисини кашф этишигача бўлган тараққиёт, Унинг буюклиги ва хайрихоҳлигини тан олиш, Унга бўйсунуш ва ибодат қилишидаги самимийлик.</i></p>	<p><i>3-босқич: Ишонч</i></p>
<p><i>Ижодкорни идрок этиш ва унга сажда қилишдан ҳиссий шаффофлик ва юксак онг ҳолатига ўтиш, самовий шохликнинг мавжудлиги ҳисси ва тавсифлаб бўлмайдиган бошдан кечиршидир. Бу сўфийларнинг «шуҳуд» ҳолати деб атайдиган босқичдир.</i></p>	<p><i>4-босқич: Маънавий билиш</i></p>



Цивилизацион қурилишни муҳокама қилишда Малик Беннаби қурилиш ва уйиб ташлаш ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради. Унинг фикрича, мусулмон цивилизацияси узоқ вақт давомида «тарихдан ташқарида» эди, то ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларигача уни цивилизацион жонланишга қаратилган ислохот чақириқлари уйғотди. Бирок, бундай саъй-ҳаракатлар цивилизация маҳсулотларини бошқалардан ўзлаштириш билан чекланди. Цивилизация ўзининг моҳияти, фикрлари, воситалари ва сотилиши ёки қарзга олинishi мумкин бўлмаган тизимларга эга бўлган моддий маҳсулотлардан иборат, чунки улар уни кураётган жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Маҳсулотни унинг фикри ва моҳияти билан бирга ўзлаштирадиган жамият ўзининг цивилизацион ўзига хослигини йўқотади ва ўзлаштирадиган жамиятнинг кенгайишига айланади. Цивилизация маҳсулотларини ўз моҳияти ва фикрисиз келтирадиган жамият моҳиятдан маҳрум бўлган тузилмаларни шунчаки уйиб ташлайди ва тўплайди, шунингдек, фикрни ўз ичига олмайдиган нарсаларни йиғади. Беннабининг фикрича, ҳар қандай жамиятдаги цивилизация, ўз маҳсулотларини «туғдиради» ва уларни ўз моҳияти, руҳи ва фикри билан тўлдиради. Мусулмон дунёси моддий маҳсулотларни тўплаш билан чекланиб қолганлиги учун цивилизация кура олмади.<sup>23</sup>

Жамиятдаги цивилизация қурилиши, шахслар соҳаси одамлар нарсалар соҳасини ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ғоялар соҳасини янгилаганда амалга оширилади. Барча одамлар вафот этади, аксарият нарсалар эскиради ва ўз кадр-қимматини йўқотади, айрим ғоялар эса тирик, кучли ва вақтидан қатъий назар ўзгармайдиган бўлиб қолади, баъзи ғоялар ўликдир – улардан ҳеч қандай йўқотишсиз воз кечиш мумкин, бошқалари эса ҳалокатлидир ва уларни тарк этиш лозим.

<sup>23</sup> Малик Беннаби «Шурут ал-Наҳда» (Тикланиш шартлари), (Дамашк: Дар ал-Фикр, 1986), 63-бет.

Шахс даражасида ва гарчи мутафаккирлар даврасида тафаккурнинг турли даражалари ўртасида уйғунлик кўриниши мавжуд бўлса-да, бу шу доиранинг барча аъзолари бир хил фикрлаш методологиясига амал қилади, дегани эмас. Шахслар турли ақлий ва хулқ-атвор хусусиятларига эга бўлгани учун уларнинг тафаккурига таъсир этувчи омиллар ҳам фарқланади. Кейинги саҳифадаги диаграмма шу фикрни тушунтиради.

Ушбу хусусиятлар ўртасида ҳеч қандай бўлиниш чегаралари ёки афзал қилинган иерархия йўқ ва ҳар бир тоифадаги турли хусусиятларга эга бўлган шахсларни ажратиб олиш осон. Адиб, тадқиқотчи, ёзувчи, таҳлилчи, маслаҳатчи, эксперт, техник ва бошқалар каби ушбу тоифаларнинг ичида ёки ташқарисида бўлиши мумкин бўлган бошқа тавсифлар мавжуд. Фикр, биз мутафаккир деб атайдиган шахсни тавсифловчи мазмундир. Ушбу мазмуннинг бир қисми турли даражаларда бошқа шахсларга узатилиши мумкин. Бу мазмун ушбу шахсларнинг ҳар бири учун ҳар бир шахснинг ақлий асосини ва уларнинг ақлий бойлиги, унинг чуқурлиги ва хилма-хиллигини ушбу тоифадаги бошқаларга нисбатан тасвирлаб берадиган нуқтада аниқ ва барқарордир.

Хусусиятлар	Тоифа
<i>Ижтимоий фанлар, гуманитар фанлар ёки кенжа соҳалар (масалан, диний илмлар) каби муайян билим тоифасига ихтисослашган киши.</i>	<i>Мутахассис</i>
<i>Уларнинг ихтисослашуви тегишли назарияларни яратиши, шу билан ушбу соҳада янгилик киритиши, уфқларини кенгайтириши ва муаммоларни ҳал қилиши учун хизмат қилади.</i>	<i>Олим</i>
<i>Муайян соҳада мутахассис ёки олим бўлган ва тил, санъат ва сиёсат каби умумий масалаларда бошқа қизиқишларга эга бўлган киши. Бу қизиқишлардаги билимлар расмий академик таълим орқали эмас, балки шахсий саъй-ҳаракатлар (ўқиш, бошқалар билан мулоқотлар) орқали қўлга киритилади.</i>	<i>Маданиятли зиёли</i>
<i>Мутахассислиги, маданияти ва тафаккурига эга бўлган ва улардан бошқаларга таъсир ўтказиши учун фойдаланадиган ва уларнинг фикрлари ва ҳаракатларини ўзи ҳимоя қиладиган нарсага ўзгартирадиган киши.</i>	<i>Даъий</i>
<i>Мавжуд воқеликни ислоҳ қилиш ва ўзгартириши, унинг муаммоларини, хусусан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маърифий ёки диний масалалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича муайян нуқтаи назарга эга бўлган киши.</i>	<i>Ислоҳотчи</i>
<i>Муаммоларга назарий қарашлар қурадиган, умумий саволлар туғдирадиган, ҳукмрон ақлий формулаларни танқид қиладиган, ички зиддиятларни очиб берадиган ва янги тушунчалар тизимларини ўрнатадиган киши. Уларнинг диққат марказлари ўзига хосликдан кўра кўпроқ умумбашарийдир ва улар кўп фикрлаш, тадқиқ қилиш, устун ва ўрганилган билимларни қайта кўриб чиқиши билан шугулланадилар.<sup>24</sup></i>	<i>Файласуф</i>

<sup>24</sup> Тавфиқ ат-Тавил, Уссусе ал-Фалсафа (Фалсафа асослари), (Қохира: Дар ан-Наҳда ал-Арабийя, 1976), 217-бет.

Ақлий бойликни муҳокама қилишимиз мумкин бўлганлиги сабабли, биз инсонни, жамиятнинг бир қисмини ёки одамлар авлодини тавсифлайдиган ақлий заифлик ҳолатини таърифлаш учун ақлий қашшоқлик, ақлий бўшлиқ, ақлий банкротлик ёки ақлий бепуштлик ва бошқаларни муҳокама қилишимиз мумкин.

## **Билим ва фикр мулоқоти**

Инсон тафаккури тўғри ёки нотўғри бўлишга мойилдир. Биз кўллаб-қувватлаётган Исломиё қарашлар тизимига мувофиқ фикрдаги тўғри нарсани тушунишга интиламиз. Тўғри деб ҳисобланган фикр, Ислом тафаккурида дин томонидан ўрнатиладиган нарсаларга мос келиши сабабли шундай ҳисобланади. Фикр тўғри ҳисобланиши учун ҳаёт теранлигини бериши ва унга фойда келтириши керак.

Тафаккурни илмдан ажралган ҳолда муҳокама қилиш мумкин эмас. Баъзи илм изловчилар, айниқса, диний илм-фанларда Ислом динининг анъанавий олимлари баён қилганидек, «илм» (билим ёки фан) атамасини чекланган маънода ишлатишни маъқул кўрадилар. Шунинг учун улар илм ва уламоларнинг фазилатларидан бошлаб, илм олишга даъват этувчи диний илмларнинг матнларида ва Ислом мероси китобларида муҳокама қилинадиган фақат таниш бўлган мавзулар билан шуғулланишни афзал кўришади. Диншуносликнинг айрим талабалари маълум бир илм соҳасига (масалан, фикр, ҳадис, ёки тафсир) нисбатан мутаассиблик руҳини кўрсатадилар. Бирок, энг муҳими, илмнинг мақсади ва бурчи, модомики Худо билан алоқанинг ортиши ва Унинг яратилишига фойда келтириши маъносида бўлиши муҳим. Ҳар қандай билимнинг кадр-қиммати кўпроқ керак бўлганда ва фавқулодда зарур бўлганда ортади.<sup>25</sup>

---

<sup>25</sup> Али ибн Иброҳим ан-Намла «ал-Фикр Байна ал-Илм ва ас-Султа: Мин ат-Тасадум ила ат-Таъаюш» (Билим ва куч Ўртасидаги фикр: Тўқнашувдан бирга яшашгача.), 2-нашри, (Ар-Риёд: Обайкан Паблишинг Хаус, 2007), 12-16-бет.

Бу ерда бир-бирдан устунликни кўрсатиш учун билим ва тафаккур ўртасида таққослаш қилинмайди. Худди шунингдек, маданият, даъват (диний чақирик), фалсафа ва бошқаларга нисбатан фикр устуворлигини бермоқчи эмасмиз, чунки билим тафаккурдир, маданият тафаккурдир, фалсафа тафаккурдир: буларнинг барчаси инсон тафаккурининг турли даражадаги ва турли хусусиятлардаги маҳсуллари дир. Буларнинг барчасига Исломот тафаккури сифатида қарашга интиламиз. Али ибн Абу Толиб «Нахж ул-Балоға» асарида шундай дейди: «...тафаккурдан юқори илм йўқ... ва илмдан олижаноб нарса йўқ...»<sup>26</sup>

Фикр ва илмни фарқлаш вазифаси тушунчага эмас, балки атамага боғлиқдир. «Илм» атамаси маълум бир мавзу бўйича аниқ мақсадга эга бўлган ва ташкилотларнинг, муассасаларнинг, ўқув дастурларнинг ва муайян методологиянинг даражаси билан ажралиб турадиган билим ҳажми билан боғлиқ бўлган атама ҳисобланади. «Фикр», бошқа томондан, субъектни тушуниш ва унинг элементлари, сабаблари ва оқибатларини таҳлил қилиш, шунингдек, ушбу субъектнинг мавжуд ҳақиқатга бўлган муносабатларини таҳлил қилиш учун инсон тафаккури томонидан эришилган тушунчалар, фикрлар ва тамойилларнинг умумийлигини англатадиган замонавий атама дир.

*Шунга асосланиб сўраймизки: мутафаккир деган кимдир?* Мутафаккир тафаккур билан шуғулланадиган ҳар қандай одамнинг таърифи эмас, чунки ҳамма одамлар онгли ёки онгсиз равишда ўйлашади ва шунинг учун ҳамма одамлар ўйлайди. «Мутафаккир» таърифи тиниқлиги, изчиллиги ва яхлитлиги билан ажралиб турадиган ақлий тузилишга эга бўлган, шунингдек, уни кўпчилик одамлардан ажратиб турадиган фикр чиқара олиш қобилиятига эга бўлиб, мутафак-

<sup>26</sup> Али ибн Абу Толиб (Амир ул-Мўъминин) «Нахж ул-Балоға» (Сўзамоллик йўли), Ал-Шариф ар-Розий танлови ва Имом Муҳаммад Абду шарҳи, (Байрут: Дор ул-Маърифат), 4-жилд, 27-бет.

кир деб аташга лойиқ шахсга берилади. Бу мутафаккирнинг мутахассис, зиёли, ислохотчи, файласуф ва ҳоказо бошқа тоифаларга нисбатан ўрни ҳақида фикр юритиш учун ақлий машқдир.

### **Фикрнинг ҳаракати ва ҳаракат ҳақида фикр**

Шахснинг муайян қарашлар тизимига эга бўлган тафаккур ёки ҳаракат мактабига мансублиги шахснинг ақлий тузилишига таъсир кўрсатади. Фикр билан бошқарилмайдиган ҳаракатни тасаввур қилиш қийин. Бундан кейин ҳаракатнинг қайси тафаккур турини қабул қилиши, унинг сафидаги мутафаккирлар кимлар экани, бу фикрнинг ҳаракат мақсадлари учун кадр-қиммати ва аҳамияти нималардан иборат эканлиги ва бу фикр уфқларини жонлантириш ва кенгайтириш учун қандай дастурлар ишлаб чиқилишини ташвишга солаётган саволлар туғилади. Фикр – бу мутафаккир ўз ғоясини янгилаганда, онгнинг ҳаракатидир, демак, фикр ва ҳаракат бир-бирига боғлиқ тушунчалардир.

Бироқ, агар ғояни амалга ошириши мумкин бўлган тарафдорлари бўлмаса, у ҳаракатдан маҳрум бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, ғоя таъсирчан, самарали бўлиши ёки ҳар қандай тахминий ўзгаришларни яратиши учун қиймат ва маънодан маҳрум бўлади. Фикр ҳаракатда ўзини намоён қилиши учун иккита шарт бажарилиши зарур. Биринчидан, бу фикр уни ҳақиқий ҳаётда амалга оширадиган одамлар томонидан қабул қилиниши керак (фикрдан ҳаракатга ўтишдир). Иккинчидан, фикрдан ҳаракатга ўтадиган ушбу ҳаракатни амалга ошириш ва ҳақиқатда ўзгартириш лозим.

Замонавий ислохотчи ҳаракатларда «ҳаракат» атамаси ишларнинг ҳозирги ҳолатини ўзгартириш истагини билдиради. Бинобарин, воқеликни муайян воситалар билан ўзгар-

тириш учун ҳукмрон воқелик доирасида ҳаракат қилувчи гуруҳ ёки ташкилот мавжуд. Шунга кўра, Ислом ваҳий қилинганидан буён ҳукмдор бўлган воқеликни ўзгартиришга қаратилган ҳаракатдир. Илоҳий хабарларнинг кетма-кетлиги диннинг ҳаракати ва нозил қилинган қонунларнинг янги-ланишидир. Ислом тарихи ўзининг илк асрларидан бошлаб муҳолифат ҳаракатларига гувоҳ бўлди. Кейинчалик пайдо бўлган кўплаб Исломий ҳаракатлар, тасаввуфий табиат ҳаракатлари ҳақида гапирмаганда ҳам, Нажддаги Шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ҳаракатлари, Ҳиндистондаги Шоҳ Валийуллоҳ ад-Дехлавий ҳаракатлари, Шимолий Африкадаги Муҳаммад ибн Али ас-Санусий ҳаракатлари каби сиёсий ва диний ислоҳотчилик хусусиятига эга бўлган. Кейинчалик ислоҳот ҳаракатлари мусулмон умматнинг мустамлакачиликка ва заифлигига жавобан Жамолиддин ал-Афғоний ва унинг шогирди Муҳаммад Абду, сўнг Муҳаммад Рашид Ризо ва кейин эса Ҳасан ал-Банно таъсири остида ўн тўққизинчи асрнинг охирида ва йигирманчи асрнинг бошларида пайдо бўлди, шунингдек, «Мусулмон биродарлар» ҳаракати пайдо бўлди.

«Фикрнинг Ҳаракати ва Ҳаракат ҳақида Фикр» сарлавҳаси Таҳа Жобир Алалвоний томонидан «уммат ҳаракати» деб атагани ва «замонавий ва муқобил Исломий ақлий тузилма»ни муайян шаклига киритиш учун саъй-ҳаракатларни талаб қилиши билан боғлиқ ҳолда тилга олинган. Бунинг мақсади «умматнинг ҳаракатини керакли ақлий қўллаб-қувватлаш билан таъминлашдир».<sup>27</sup> У Ислом тафаккури ҳаракатини дастлабки ваҳийдан то ҳозирги кунга қадар синчковлик билан тадқиқ этиш ва танқид қилиш, шунингдек, уммат ҳаракатини зарур ақлий онг ва раҳбарият билан таъ-

---

<sup>27</sup> Таҳа Жобир Алалвоний «Ислаҳ ал-Фикр ал-Ислами Байна ал-Қудурат ва ал-Ақабат: Варақат Амал» (Имкониятлар ва тўсиқлар ўртасидаги Ислом фикрини ислоҳ қилиш: Иш қоғози), №10 Илмларни Исломлаштириш Серияси, 2-нашри (Ҳерндон, Виржиния: Халқаро Ислом Тафаккури Институти, Ар-Риёд: ал-Дар ал-Аламийя ли ал-Китаб ал-Исламийя, 1994), 43-бет..

минлаш учун жамоавий ихтисослашган муассасалар зарур-лигига урғу беради.<sup>28</sup>

Бошқа бир ёндашувда Ахмад ар-Райсуний «Исломий ҳаракатларни танқид қилиш: Ҳаракат ҳақида Фикр ва Фикрнинг Ҳаракати ўртасида»ни ифодалайди, унда сиёсий жиҳатдан қизиққан Исломий ҳаракатларнинг ривожланиши, тасодифан пайдо бўлган бир нечта танланганлар бундан мустасно бу соҳада мутафаккирлар, олимлар ва тадқиқотчилар ишлаб чиқаришда талаб қилинадиган стандартларга мос келмаслигини таъкидлайди. Ҳаракат ҳақида аслида юзага келган фикр ҳаракатнинг ўзи ва жанг талабларига хизмат қиладиган фикр эди; ҳаракатнинг ўринлари, танловлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган фикрдир. У буни «фикр ал-ҳарака» (ҳаракат ҳақидаги фикр) деб атайди, бу кўпроқ партиявий фикр ёки партиявий менталитетга ўхшайди. Ушбу ҳаракат ҳақидаги фикр, ҳаракатларнинг ичида ҳам, атрофида ҳам ривожланиш ёки кашшоф тараққиётга дош беролмади. Ар-Райсуний, бугун зарур бўлган нарса – ҳаракат ҳақидаги фикрини бўйсундирмасдан «фикр ҳаракати»ни озод қилувчи ва ҳаракатга келтирувчи эркин ва ижодий фикрлардир ва янгилашиш ва ижтиҳод ҳаракатидир, деб таъкидлайди.<sup>29</sup>

Фикр ва ҳаракат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо ислохотлар, ўзгаришлар, янгиликлар, доимий маҳсулдорлик ва ҳисса қўшишга интилаётган ҳар қандай ҳаракатни бошқариши керак бўлган фикрдир, ҳамда ҳаракатнинг фикрини келтириб чиқарадиган нарса – фикр ҳаракатидир. Бирок, ҳаракат фикрдан олдин бўлганда ва ҳаракат ҳақидаги фикр фикрнинг ҳаракатини бошқарганда, бу реакция ҳолатига, ўзгаришга таъсир қилиш

---

<sup>28</sup> Худди шу жойда, 44-бет.

<sup>29</sup> Ахмад ар-Райсуний «Фий Накд ал-Ҳарака ал-Исламия: Байна Фикр ал-Ҳарака ва Ҳаракат ал-Фикр» (Исломий ҳаракатларни танқид қилиш: Ҳаракат ҳақида Фикр ва Фикрнинг ҳаракати ўртасида). Ушбу мақола ар-Райсуний сайтида 05.11.2005-й.да Исломий ҳаракатларнинг танқид мақолалари каторида чоп этилди. Куйидаги интернет манбалардан олиш мумкин: (20-декабр 2016-й. олинди).  
<http://www.widesoft.ma/raissouni/def.asp?codelangue=6&info=347>



қобилиятини йўқотишга бўлган инкироздир, шунингдек, бошқа рангларнинг ақлий имкониятларини рад қиладиган ақлий монохромга гаровга тушиш учун сабабдир. Ҳаракат ақлий бойлик, ташаббускорлик, ривожланиш ва янгиланишга етишмаслиги сабабли мавжуд манбаларини сарф қилиб, уни импорт қилишга ва қарамликка мажбур қилиб, айнан шу ерда ҳаракат чекланган истеъмол ҳолатига айланади.

## **Тафаккур мактаблари**

«Ақлий лойиҳа» атамаси инсоннинг ақлий ривожланиши ва ҳиссиётини таърифлайди. Бироқ, ақлий лойиҳа умумий ақлий тузилишга эга бўлган ёки бир хил тафаккур мактабига тегишли бўлган бир гуруҳ одамларнинг хусусияти бўлиши мумкин. Тафаккур мактаби ислохотчи уюшма, диний ҳаракат, сиёсий партия ёки ихтисослашган илмий гуруҳ бўлиши мумкин ёки у жамиятнинг муҳим сегментларини қамраб олган ёки умуман жамиятда устун бўлган кенг ақлий оқим бўлиши мумкин. Муайян тафаккур мактабининг тарафдорлари фикрлашда маълум парадигма ёки ёндашувни қабул қилишлари мумкин (масалан, сўфий, салафий ёки фалсафий мактаблар) ёки бир хил фикр тизимида турли парадигмалар ва ёндашувларни қабул қилишлари мумкин (масалан, турли мазҳаблар). Бундай мактабларнинг мисоллари «Мусулмон биродарлар», Франкфурт фалсафа мактаби, Чикаго Иқтисодиёт мактаби, Вена тўғараги ва Салафий мактабидир.

Тафаккур мактаби кўпинча асосий шахслар ва кашшофлар билан ажралиб туради, уларнинг асарлари ўз мактаб фикрларига ҳавола бўлиб, улар мактабнинг бошқа издошлари билан ҳамкорликда эришишга интилаётган умумий ғоялар, умидлар ва нафсониятларни баҳам кўришади. Тафаккур мактаблари одатда илмий мақолалар ва даврий нашрлар, шунингдек, конференциялар ва семинарлар орқали мактабнинг фикрларини фаол

равишда етказадиган қасбий ёки илмий уюшмаларга эга. Тафаккур мактабининг ақлий қурилиши – кишиларнинг ўзлари, ўз жамияти, жамият тарихи, ҳозирги ва келажаги, уларнинг атрофидаги дунё ҳақиқати ҳақидаги фикрларни ташкил этувчи, шунингдек, бу ҳақиқатни ислоҳ қилиш ва унинг муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ўзгаришлар усули ҳақида ғоялар (эътиқодлар) ва интилишлар (ҳис-туйғулар) мажмуидир. Тафаккур мактаби аъзолари мактабнинг умумий ғоя ва интилишларини баҳам кўрадилар, лекин, одамлар ва уларнинг фикрлари ўртасидаги туғма фарқларни ҳисобга олган ҳолда, улар бутунлай бир фикрда бўлмаслиги ҳам мумкин. Икки нарса мувозанатли бирикмада мавжуд бўлиши керак: бир томондан, ақлий жамоалар гуруҳ, жамият ёки умматнинг умумий мақсадларига эришишда ҳамкорлик қилишга имкон беради, бошқа томондан, истеъдодлар, қобилиятлар ва мойилликлардаги хилма-хиллик алоҳида гуруҳ аъзолари, жамият сегментлари ва умматни ташкил этувчи жамоалар ўртасидаги турли тажрибаларни бирлаштиришга имкон беради.

# УЧИНЧИ БОБ

## Жамият ва умматнинг ақлий тузилиши

### Ақлий ўзига хослик

«Ақлий ўзига хослик» атамаси, кичик ёки катта, ҳар қандай гуруҳни тасвирлаш учун ишлатилади. Бу гуруҳ аъзолари қўллаб-қувватлайдиган ғоялар тўпламини, уларнинг фикрлаш усулларини ва уларнинг ақлий тузилмасини белгилайди, бу уларнинг эътиқодлари, қадриятлари ва хулқ-атвори тизимини ўз ичига олади. Ушбу «тузилиш» ўз шаклини гуруҳнинг тарихий мероси билан боғлиқ бўлган турли хил манбалардан ёки таълим ва ижтимоий тарбия усуллари ёки сиёсий тизимлар томонидан ўрнатилган маданият ва бошқа таъсирлардан олади.

Жамиятлар одатда ақлий ва маданий ўзига хослигини турли усуллар, воситалар ва процедуралар орқали сақлаб қолишга интилади:

- 1) Инсон она тилининг ижтимоий қадриятлари ва меъёрларини ўрганадиган оилавий тарбия ва насиҳат;
- 2) Тарих, тизимлар, ҳуқуқ ва жамият ичидаги масъулиятни ўргатувчи ўқув дастурлари;
- 3) Жамият аъзоларининг миллий ўзига хослигини шакллантиришга ёрдам берадиган маданий, сиёсий ёки ижтимоий масалаларга йўналтирилган фуқаролик жамиятининг давлат ёки хусусий муассасалари;
- 4) Шахслар фаолиятини тартибга солувчи, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва

қонунбузарларга нисбатан жазо чораларини қўллашга қаратилган қонун ва қоидалар.

Биргаликда бу усуллар жамиятнинг ақлий тузилишини шакллантиришга ёрдам беради, бу ерда унинг аъзолари орасида умумий фикрлар, ҳис-туйғулар ва хулқ-атвор намуналари тўплами ушбу жамиятни бошқа жамиятлардан ажратишга ёрдам беради, уларнинг ҳар бири ўз ижтимоий ақлий тузилишига эга. Умнат таркибидаги жамиятлар ҳамкорлик қилишлари ва умумий тарбия усуллари, таълим дастурлари, давлат ва хусусий муассасалари ва ҳаёт тизимларини баҳам кўришлари даражасига қадар умнатнинг ақлий тузилиши бирлаштирилгандир.

Мусулмон уммати Куръон, Ҳадис ва Ислом меросида берилган маъноларида ўз тарихида икки йўналишнинг гувоҳи бўлди: биринчиси – бирлик, бирлашганлик ва ҳамжиҳатликнинг намоён бўлишидир. Кейинчалик, у давлатлар, жамиятлар, мазҳаблар, тафаккур мактаблари, этник гуруҳлар, тиллар ва ҳоказоларга парчаланишнинг замонавий ҳақиқатида иккинчи йўналишига гувоҳ бўлди. Биз умнатнинг ақлий қурилиши аҳамиятини иккала шароитда ҳам, алоҳида ёки биргаликда, кўриб чиқишимиз керак.

### **Турғунлик ва янгиланиш ўртасидаги ақлий тузилиш**

Баъзи ҳаракатлар ўз асосчилари вафотидан кейин ҳам давом этадиган тафаккур мактаблари қурилиши билан ажралиб туради. Улар ўз фикрларининг воқелиги ва жамият ҳақиқати билан чуқур алоқа ўрнатиб, уларни доимий янгиланиш ҳолатида сақлайдилар. Агар ҳаракатлар узоқ вақт давомида ҳеч қандай сезиларли янгиланмасдан туриб, асл ғояларга содиқ қолсалар ва мавжуд бўлган ҳақиқат билан алоқани йўқотсалар, турғунлик уларга таъсир қилади. Янгиланиш (таждид) асосчилар ҳиссасини инкор этиш ёки уларнинг фикрига путур етказиш дегани

эмас. Аксинча, жамиятнинг ўзига хослиги ва унинг ақлий мансублиги билан узвий боғлиқ бўлгани учун ҳаракат тафаккурининг долзарблигини сақлаб қолишга уринишдир. Янгиланиш, пайдо бўлаётган муаммоларга қарши туриш ва ҳаракат фикрлари динамикасини таъкидлаш учун фикр ва методологияда қайта кўриб чиқишни, ислоҳ қилишни ва мослаштиришни талаб қилади, шу фикр доирасидаги константалар ва ўзгаришлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.

Янгиланиш Ислом тафаккури тизимидаги яхлит тушунчалардан бири ва унинг кўзланган мақсадларидан биридир. Бу мусулмон жамияти инсон тафаккурининг кенг майдонида мавжудлигини ва туришини таъминлаш учун бебаҳо талабдир. Аксинча, турғунлик одамларнинг дин, билим ёки тафаккур ҳақидаги умумий тушунчаларини бузади. Турғунлик бу тушунишнинг айрим турларига риоя қилишдир, улар энди фикр ва ҳаёт ўртасидаги алоқани намоиш этиш ва ҳаёт ҳақиқатини ўзгартириш учун етарли эмас, натижада фикр ўз қадрини йўқотади ва одамлар бошқа фикрни излашга мажбур бўлмоқдалар.

Ислом тафаккуридаги янгиланиш мисоллари матнни тушунишда ёки матнни контекстга қўллашда ёки Ислом тафаккурининг шахслар ва жамият ҳаётининг қисман масалаларини кўриб чиқишда, уммат ва инсониятнинг яхлит сабаблари ва умумий ишларини кўриб чиқишда янги ижтиҳодни ўз ичига олади. Ижтиҳод – дин ҳақидаги билимларни ёйиш учун янги воситалардан фойдаланиш ва ғоялар уммат манфаатларини илгари суриш учун Ислом доирасида эркин ҳаракат қилишга имкон берувчи янги тафаккур тушунчаларини ишлаб чиқиш ва бошқалардир. Бундай ҳаракатлар шахснинг ва/ёки жамоавий ижтимоий ақлий тузилишнинг унинг миқдорий жиҳатдан қандай ўсишини ва сифат жиҳатдан қандай ўзгаришини ўрганиш учун ўзига ўзи баҳо бериши ва ўзига жавобгарлигини талаб қилади.

## Маркетинг ғоялари

Маркетинг – бу маҳсулот ва хизматлар маркетинги соҳасидаги академик ва қасбий китоблар, дастурлар ва иловалар билан мактанадиган ўзига хос тушунчалар, тамойиллар ва назарияларга эга бўлган фандир. Худди шундай, билимларнинг қиймати натижасида пайдо бўлган ғоялар маркетинги ҳам мавжуд бўлиб, улар асосида ривожланиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари моддий даромад келтириши мумкин. Бинобарин, ғоя эгасининг ҳуқуқларини, шунингдек, моллар ёки хизматлар бозорида амалда қўллаш нуқтаи назаридан улардан келиб чиқиши мумкин бўлган имтиёزلарни рўйхатга олувчи патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари мавжуд. Худди шунингдек, интеллектуал мулк ва билимлар иқтисодиёти тушунчалари ҳам пайдо бўлган.

Ҳар қандай ғоянинг кадр-қиммати у оммага эълон қилинмагунча, тарқатилмагунча ва жамият маданиятининг муҳим унсурига ёки сиёсатдаги умумий қабул қилинган нуқтаи назарга ёки истеъмолчиларнинг ўзига хос амалиётига айланмагунча тан олинмайди. «Маркетинг ғоялари» атамаси таълим, тарбия, алоқа, тарғибот, мияни ювиш, ақлни программалаштириш ва интеллектуал хужум каби ғояларни тарқатишнинг бошқа воситаларига ўхшайди. Бирок, «маркетинг ғоялари» атамаси тарқатиладиган ёки сотиладиган ғояларнинг амалий қийматини ва керакли фойдасини таъкидлайди.

Хўш, агар бу ғоялар хатти-ҳаракатлар ва хулқ-атвор орқали намён бўлмаса, сизда катта ғояларингиз борлигини қандай биласиз? Ёки бу фикрларни оғзаки ёки ёзма равишда ифодаламасангиз? Ғояларнинг қиймати, уларнинг кадр-қимматидан қатъий назар, фақат ушбу ғояларни яратувчидан қабул қилувчига ўтказиш ва уларнинг фикрдан ҳаракатга ва натижага ўтиш йўли билан ўрганилади.

Барча инсон ғоялари тенг эмас, улар аҳамияти, аниқлиги, чуқурлиги ва ўзига хослиги билан фарқ қилади. Ўзгаришга олиб келмайдиган оддий ғоялар мавжуд ва билим, хулқ-атвор ва нарсаларни тубдан ўзгартирадиган инновацион ғоялар мавжуддир. Китобларда қайд этилган фанлар муайян тизимлилик, синчковлик билан ўрганиш ва тажрибадан ўтган ғоялардир. Транспорт воситалари ва алоқа воситалари каби корхоналар, тармоқлар ва ихтироларнинг ривожланиши, асосан ғояларнинг амалий қўлланилиши ҳисобланади, худди сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий амалиётлар ҳам ғояларнинг татбиқлардир. Таълим бериш ва ўрганиш моҳиятан ғояларни етказиш жараёнидир. Оммавий ахборот воситаларида кўрганларимиз, эшитганларимиз ва ўқиганларимиз рост ёки ёлғон бўлиши мумкин бўлган ғояларни тарқатишга сабаб бўлади. Худди шу тарзда, ўзгаришларни тарғиб қилувчи ислохотчилар интеллектуал ташаббусларда иштирок этадилар ва жамият раҳбарлари ўз ғоялари ва уларни амалга ошириш орқали куч ва таъсирга эга бўладилар. Шундай қилиб, мактаб ва университетлар, нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, ўқув марказлари, сиёсий партиялар платформалари каби муассасалар ва бошқалар маркетинг ғояларини амалга ошириш воситаларидир.<sup>30</sup>

## **Умнатнинг ақлий ва илмий раҳбарликка бўлган эҳтиёжи**

Илм-фан – ҳар бир фан бўйича ихтисослашган илмий гуруҳлар томонидан қабул қилиниши учун уни тегишли даражада тоблаган муайян даражада ташкил этиш, синчковлик билан ўрганиш, ўзгартириш ва синовдан ўтказиш билан вужудга келган инсон тафаккурининг маҳсулидир. Бу илмий раҳбарлар ушбу фанга нима киришини ва нима кирмаслигини аниқлашда қарашлар тизимини ташкил қилишади.

---

<sup>30</sup> Ушбу контекстда қаранг: Абдуллоҳ ибн Салим Ба-Ҳаммам «Саввиқ Фикрак: Тасвиқ ал-Афкар – Жавла байна ал-улум» (Фикрингизни сотинг: Маркетинг ғоялари – Фанлар бўйича саёҳат), (Ар-Риёд: Прайвэт энд Электроник паблишинг, 1430-хж).

Ақлий ва илмий раҳбарлик билимларни ва уларни қўллаш имкониятларини кенг қамровли ва итиқболли кўришни ривожлантириш қобилиятига қадар, билимларнинг қисман тафсилотларини билиш учун оддий қобилиятдан устундир. Улар буни ҳукмрон ахборотни танқид қилиш, унинг чекланишларини аниқлаш ва янги ва тегишли маълумотларни киритиш орқали амалга оширадilar.

#### *Умматнинг ақлий раҳбарлиги*

Мусулмон уммати охириги илоҳий хабарни етказувчиси ва соғлом Пайғамбарлик раҳбарлигининг меросхўридир. Ушбу хабарнинг манбаси ҳимоялангандир, у на бузилган, на ўзгартирилган. Худо мусулмон жамиятларига ақлий раҳбарлик вазифасини бажаришни буюрди. Тарихан Уммат бу миссияни муваффақиятли бажарди. Раҳбарлик, эзгулик ва адолат жамиятини яратди. Дунёнинг турли бурчакларидан турли соҳаларда ундан билим олиш ва сон-саноксиз кадриятларни ва бошқарув, ташкил этиш ва ижтимоий ўзаро муносабатлар тамойиллари аспектларида цивилизацияон хулқ-атвор моделларини ўрганиш учун институт ва коллежларига келган билим изловчилар учун манзил, билим ва тараққиёт марказига айланди. Ушбу олдиндан белгиланган миссияга жавоб бермаса, бу уммат инсон тараққиёти учун қандай аҳамиятга эга?

#### *Ихтисослашган ақлий раҳбарлиги*

Мусулмон умматида, айниқса, билим, илм ва тафаккур соҳаларида кўзга кўринган ихтисослашган раҳбарлар пайдо бўлган. Пайғамбарлик меросини сақлаб қолишга интилиш Ислом тарихининг илк кунлариданоқ Пайғамбар ҳадислари ва Пайғамбар таржимаи ҳолини ёзиб, ҳадисларни ривоят қилиш, уларнинг саҳиҳлигини текшириш ва ўрганиш соҳасида устун бўлган ихтисослашган раҳбарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса ҳадиснинг янги илмларини вужудга келтирди, унинг олимлари Ислом тафаккурининг турли мактаблари орасида тафак-



кур мактабининг ақлий етакчиларига айландилар. Бошқа ақлий раҳбарлар ҳуқуқшунослик соҳасида, шу жумладан, тўрт мазҳаб имомлари, шунингдек, тафсир, ақида, илоҳиёт, тасаввуф ва бошқа мактабларида ажралиб турганлар. Ақлий раҳбарлар фақат диний илмлар билан чегараланмаганлар. Тан олинган мусулмон раҳбарлари тиббиёт, астрономия, оптика, кимё, қишлоқ хўжалиги ва бошқа табиий, амалий ва ижтимоий фанларнинг уфқларини кенгайтирганлар.

### *Муассасалар ва ақлий раҳбарлик*

Дастлаб масжид олимлар тарбияланган муассаса эди. Масжиднинг вазибалари кенгайиб, замонавий университетларга ўхшай бошлади. Дастлабки таълим масжидларининг мисоллари Тунисдаги аз-Зайтуна масжиди, Фосдаги ал-Қаровийийин масжиди ва Мисрдаги ал-Азҳар масжиди. Шунингдек, мусулмонлар илм-фаннинг турли соҳаларида ўқитиш ва ихтисослашув учун ўқув муассасаларини, шу жумладан, расадхоналарни, ўқув шифоналарини ва китобларни сақлаш, нусхалаш ва таржима қилиш учун жамоат кутубхоналарини ташкил этишди, масалан, Боғдоддаги Байт ул-Ҳикмат ва Қоҳирадаги Дор ул-Ҳикмат.

### *Ақлий элита: Европа Уйғониш даврининг пойдевори*

Европа Ислом олами эришган ютуқларни, хусусан, мусулмонлар қирол хонадонига юборилган Европа дипломатик делегациялари, Андалусия Испанияси ва Сицилиядаги бевосита алоқалари орқали, сўнгра салиб юришлари пайтида тан олди. Европа монархлари талабалар делегациясини уларга илм-фан, маданият ва билимларни етказиш учун юборганлар. Милодий ўн иккинчи асрга келиб Европада турли илмий соҳалардаги ақлий авангардлар шакллана бошлади. Бу раҳбарлар ақлий элитани, тафаккур мактабларини ва ўқувчиларни Европа ҳаётининг барча соҳаларда устун бўлган, Европа уйғонишига олиб келадиган қолоқ шароитларини ўзгартиришга тайёрлайдиган таълим муассасаларини туғдирди.

### *Шахсий топқирлик ақлий раҳбарликнинг асосидир*

Ҳар бир атоқли олим ўз замони ва маконининг ақлий раҳбарлигини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар бир фан мутахассислари ўз соҳаларида ақлий раҳбарлари элита вакилидир. Шахсининг илмий ва ақлий топқирликдаги ўрни муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда фикр, биринчи навбатда, шахсий мутафаккир<sup>31</sup> томонидан яратилган ижодий, янгиланадиган ва инқилобий ҳиссиёт бўлиб, у шахсий ташаббус ва тиришқоқлик натижаси ёки бошқалар билан муҳокама, мунозара ва тадқиқотлар натижасидир. Илмий соҳада ғоялар туғилганда улар иккинчи даражали масалалар сифатида бошланади. Улар, ихтисослашган илмий гуруҳ уларни шу соҳадаги муҳим унсур сифатида қабул қилгандагина илмий тузилманинг ажралмас қисмига айланади. Ҳар соҳада ўсиш, ривожланиш ва қайта кўриб чиқиш учун макон доимо очиқдир, ҳар сафар мутафаккир ўз фикрини амалга оширади ва ўз соҳасида янги билимларни ҳосил қилади.

Бугунги кунда инсон тафаккури бизга маълум бўлган махсус илм-фанлар билан чекланмайди (фан ичидаги), аксинча, у фанлараро, бир-бирига яқин фанлар, кўп фанли ёки фанлар ўртасидаги бўлиши мумкин. Ўз соҳаларида алоҳида мутахассислар (олимлар ва мутафаккирлар) ўртасидаги ҳамкорлик ушбу соҳанинг уфқларини кенгайтириш учун муҳимдир.

Олимлар воқеликда бирор нарсанинг муаммоси ҳақида махсус билим берсалар-да, мутафаккирлар, бошқа томондан, бу воқеликни тузатиш учун мумкин бўлган ечимларни тақдим этишга интиладилар. Бинобарин ақлий раҳбарлик, айниқса, инсон

<sup>31</sup> Таъкидлаш жоизки, топқирлик ва илмий кашфиёт учун мукофотлар шахсга ёки шахсларнинг кичик гуруҳига берилади. Масалан, кимё бўйича Нобель мукофоти 1901-йилдан бошлаб деярли ҳар йили берилмоқда, 2012-йилгача эса қуйидагича берилган: 63 марта алоҳида олимга, 23 марта иккита олимга, 18 марта учта олимга (мукофот турли йилларда жами 8 марта берилмаган). Иккита ёки учта олимга берилган тақдирда ҳам, мукофот, албатта, улар ўртасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун эмас, балки ҳар бир олим бунга алоҳида лойиқ бўлганлиги учун бериларди ва шу сабабли мукофот улар ўртасида тақсимланарди. Кимё бўйича барча Нобель мукофотлариغا қаранг: [http://www.nobelprize.org/nobel\\_prizes/chemistry/laureates/](http://www.nobelprize.org/nobel_prizes/chemistry/laureates/)

жамиятлари томонидан бошдан кечириладиган ўтиш ва ўзгартириш даврида жуда муҳимдир.

### *Жамиятда ақлий раҳбарлик учун платформа сифатидаги университет*

Тарих давомида университет тушунчаси ва унинг инсон жамиятидаги миссиясининг сезиларли ривожланиши кузатилади. Бугунги кунда университет таълим, тадқиқот ва жамоа ишлари каби учта асосий вазифага асосланган жамиятнинг ажралмас қисмидир. Бугунги кунда университет учта муҳим вазифада ҳам етакчи ўринни эгаллаб, келажакка йўналтирилган ғоялар ва жамиятнинг бугуни ва келажаги учун муҳим бўлган ақлий самарадорликни етказиб берувчисидир.

Университет ўқитувчилари ва муаллимлар ҳам ўз оилалари, жамоалари, ижтимоий ва спорт клублари, ихтиёрий ташкилотлар ва сиёсий партиялар аъзоларидир. Шунинг учун, одамлар пайдо бўлаётган воқеаларни тушуниш тажрибаси учун уларга мурожаат қилишади ва турли вазиятлар билан оқилона мулоқот қилишларини кутишади. Булар ҳақиқатан ҳам муаллимлар танлаши ёки излаши мумкин бўлмаган раҳбарлик вазифаларидир, лекин, шунга қарамай, атрофдаги жамият буни улардан кутади ва талаб қилади.

Ўқитувчилар, одатда, ўз билимлари ва тажрибаларини жамоатчиликка муайян муаммоларни тушуниш ва уларни ҳал қилиш учун истиқболли қарашларини етказадиган китоблар ва мақолалар ёзиш орқали ўртоклашадилар. Ушбу асарларда махсус билим, амалий тажриба ва шахсий тушунча кесишади.

Жамиятнинг ақлий раҳбарлиги унинг олимлари томонидан турли табиий, техник, ижтимоий ва гуманитар фанлардан яратилган илмий янгиликларнинг аксидир. Бундан ташқари, у илмлар уни бошқа жамиятлардан ажратиб турадиган жамият ишончла-

ридан ўзлаштирадиган руҳнинг аксидир. Айнан шу дастлабки шартдан, университетлар ёки тадқиқот марказлари каби алоҳида шахслар ёки тадқиқот гуруҳлари томонидан янгиликларни рағбатлантирадиган муассасаларга қизиқиш пайдо бўлади. Араб ва мусулмон мамлакатларидаги университетларнинг илмий ва ақлий ютуқларда ўз имкониятларини исботламаганлиги ҳақиқатан ҳам ачинарлидир. Улар ақлий ўзлигини ифода этаётган дунёқараш ва цивилизация хусусияти билан ҳам, бошқарув, идора қилиш ёки илмий-ақлий ютуқларни илгари суриш тизимлари билан ҳам ажралиб турмайдилар. Улар, аслида, уларни қўллаб-қувватлайдиган ва қабул қиладиган жамиятнинг ўзини пастга туширадилар.

### *Ақлий сармоя*

«Ақлий сармоя» атамаси иқтисодиёт ва бошқарув фанида йигирманчи асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлди. Ўша пайтда тадқиқотчилар табиий сармоя (табиий ресурслар), моддий сармоя (пуллар ва активлар), ижтимоий сармоя (ижтимоий муносабатлар ва тармоқлар) ва инсон сармояси (халқ қуввати, тажрибаси ва қобилиятлари) каби бошқа техник атамалардан фарқ қила бошладилар.

Ақлий сармоя имкониятлардан фойдаланиш учун янги ғояларни яратиш ёки эски ғояларни яхшилаш учун билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ташкилотнинг таниқли аъзоларида намоён бўлади. Ақлий сармоянинг аҳамияти билим, фан ва ақл рақобат кучларининг энг қимматли устунларига айланганидан келиб чиқади.<sup>32</sup>

Ақлий сармоя янгиланиш ва ижодий ғоялар нуктаи назаридан уни бошқалардан ажратиб турувчи гуруҳнинг ақлий малакалар мажмуини англатади. Ушбу сармоянинг жамиятнинг доимий

<sup>32</sup> Адел Ҳарнуш ал-Мафражи ва Аҳмад Али Салех «Раъс ал-Мол ал-Фикри: Турук Қиясу ва Асалиб ал-Муҳафаза Алайх» (Ақлий Сармоя: уни ўлчаш ва сақлаш йўллари), (Қохира: ал-Муназама ал-Арабийя ли ал-Танмия ал-Идария, 2003), 8-18-бет.

тараққиёти ва мукаммалигини таъминлайдиган янгиланиш ва жонлантирувчи унсури бўлиши муҳимдир. Аммо, унинг манбалари қуриб қолса, янгиланиш ва янгиликка бўлган қуввати бузилса, у қийматни йўқотади. Биз беришимиз керак бўлган савол – мусулмон умматининг устунлик ва етакчилик мавқеига кўтарилиш учун, уни ақлий жиҳатдан бой бўлиши учун, маданий ва цивилизациян бой қилиш учун етарлича ақлий сармоя борми?

Қачонки уммат Қуръон ва Суннатга амал қилса, камолот ва тараққиёт унга моддийлашади ва қачонки уммат бу ҳидоятдан юз ўгирса, улар озайиб кетадилар. Умматнинг қайта тикланадиган сармояси Қуръон, унинг пайғамбарлик қўлланмалари ва улар атрофида айланувчи бой илмлардир. Бу ақлий сармоя йўқолмайди, аксинча у янги ғояларни ривожланишни рағбатлантирадиган, доимий ижод, янгилик ва кашфиётга ундайдиган, бошқа барча табиий, ижтимоий ва психологик фанларда тождид ва ижтиҳод руҳини кўтарадиган ҳукмрон тафаккур тизимидир. Агар бу ақлий сармоя ҳаракат ва таъсирдан ожиз бўлса, у ҳолда сармоянинг бошқа ҳар қандай шакли умматга на тараққиёт ва на камолот келтиради.

# ТЎРТИНЧИ БОБ

## **Исломий ақлий тузилишни харитага олиш**

Фикрлашда интеграция ва мувозанат учун имконият яратадиган, шунингдек, Исломий шахсни тавсифловчи монотеистик қарашни шакллантириш имкониятини берадиган кўплаб турли хил манбалар, мавзулар, чора ва воситалар, синовлар ва ақлий тузилиш ўлчовлари мавжуд. Ақлий тузилиш усули биз умумий интеллектуал хариталар шаклида тақдим этадиган ушбу асосий тоифаларнинг хилма-хиллигига боғлиқдир. Харита – бу умумий фикрни умумлаштириш ва ўқувчига ғоянинг тушунчага оид ёки билишга оид қиёфасини, «метабилиш» деб номланган фикрлаш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берадиган тарзда унсурлар ёки тушунчалар тўпламини, уларнинг ўринларини ва ўзаро муносабатларини кўрсатадиган тасвирий чизмадир.

### **Ақлий тузилиш манбалари харитаси**

Ақлий тузилиш йўлига отланмоқчи бўлган киши зарур ахборот ва маълумотлар манбаларини ва билим соҳаларини излайди. Бугунги кунда одамлар, китоблар, журналлар ва даврий нашрлар ёки веб-сайтлар каби турли хил ахборот манбалари мавжуд. Билим манбаларининг тоифаларига қуйидагилар киради:

1. Махсус билим (фанлар) манбалари: Махсус фанга оид билимларнинг ўсиши ва ривожланишига ёрдам берувчи манбалар.
2. Мутахассисликни кенгайтирадиган, аммо мутахассис бўлмаганлар ва кенг жамоатчилик учун соддалаштирилган фан маданиятидаги манбалар (масалан, тиббий маданият, технологик маданият ва ҳуқуқий маданият бўйича китоблар ва бошқалар).

3. Умумий маданиятдаги маълум бир фан доирасида таснифланмаган, аммо умумий маданий ҳаётда зарур бўлган маълумотлар, назариялар ва тушунчаларни ўз ичига олган манбалар (масалан, тарих, география, сиёсат, иқтисодиёт, оммавий ахборот воситалари, санъат ва бошқалар).
4. Асосан муайян тафаккур мактаблари билан боғлиқ бўлган ёки бундай мактабларни танқидий таҳлил қилишни таъминловчи интеллектуал ахборот манбалари. Ушбу манбалар умумий маданият манбалари билан кесишган, аммо аниқроқ, ўзига хос ва чуқурроқдир.

### **Ақлий тузилиш мавзуларининг харитаси**

Исломий нуқтаи назаридан, яхлит дунёқарашни қайта тиклаш ва инсонни ушбу исломий дунёқараш доирасида замонавий фикрда кўтарилган масалаларни, айниқса, баҳсли мавзуларни тушуниш учун ақлий тузилишни ривожлантирадиган китоблар, тадқиқотлар ва мунозараларга аниқлик, интеграция ва изчиллик билан ажралиб турадиган долзарб эҳтиёж бор. Масалан, ушбу мавзулар қуйидагилардир:

1. *Умнат қурилишининг мавзулари*, шу жумладан тил, дин ва тарих. Ушбу мавзулар инсоннинг, жамиятнинг ва умматнинг исломий ўзига хослигига таъсир қилади, шунингдек, бу ўзига хосликнинг миллатчилик, қабилачилик, мазҳабчилик ва ҳоказолар каби бошқа кенжа ўхшашликлар ва мансубликлар билан муносабатини аниқлайди.
2. *Муҳокама қилинадиган мунозарали мавзулар ва масалалар*: Замонавий оммавий ахборот воситалари бутун дунёдаги янгиликлар ва воқеаларни одамларга етказди ва кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган савол ва муаммоларни келтириб чиқаради. Мутафаккир бу масалаларни тушуниши ва, эҳтимол, улар бўйича маълум бир фикрни эгаллаши

керак (масалан, халқаро муносабатлар, диний эркинлик, биргаликда яшаш, аёлларнинг тараққиёти, иқтисодиёт, ривожланиш ва бошқалар).

3. *Ақлий малакалар мажмуи мавзуси:* Улар яхлит тафаккурнинг шаклланишига ва мувозанатли ақлий тузилишнинг яратилишига ёрдам беради. Ушбу мавзулар жуда кўп, шу жумладан: а) тафаккур, хулқ-атвор, цивилизация, тарих, фалсафа ва бошқа масалалар ва уларнинг оқибатлари билан шуғулланадиган ислохотчи ва тикланиш фикрларнинг асарлари; б) муаммоларни тушуниш ва ечимларни таклиф қилиш мақсадида ижтимоий ва гуманитар фанларга, шу жумладан, умумий тушунчалар, қонунлар, назариялар ва уларнинг амалий қўлланилишига кириш (масалан, социология, сиёсатшунослик, журналистика соҳалари); в) ривожланиш, фикрлаш жараёнлари, хулқ-атвор, ўрганиш, ўсиш ва ўзгаришларга тааллуқли бошқарув, методология ва психология каби ўзгариш фанлари бўйича нашрлар.

Ҳар қандай фанда инсон тафаккурига оид билимлар мазмуни миқдорий ҳажми ва сифат хусусиятлари билан фарқ қилади. Ушбу турли даражалар ўртасида тизимли ва функционал алоқалар мавжуд. Бу билимлар мазмунининг мажмуи пойдевори ва бошки қисми билан пирамида тузилиши шаклида ифодалаш мумкин. *Фактлар* ҳар қандай фаннинг далилларга асосланади (ва улар жуда кўп). Инсон ақли ўзига хос хусусиятларга ўхшаш кўплаб фактларни бир-бирига боғлайди ва уларга «тушунча» (концепция) атамасини белгилайди.<sup>33</sup>

---

<sup>33</sup> «Тушунча» (концепция) атамасининг ишлатилиши эпистемология соҳасига қараб ўзгариб туради. Мантиқда бу когнитив (билишга оид) идрокдир. Тилда – бу терминологик-идиоматик маъно бўлиб, у ўз навбатида умумий семантик майдонни кўрсатувчи ифодани англатади. Суад Корим «ад-Дироса ал-Мафҳумийя: Муқораба Тасвирийя ва Манҳажийя» (Тушунчага оид тадқиқот: вакиллик ва методологик ёндашув), Мажалат Исломиёт ал-Маърифат, (ал-Маъҳад ал-Алабий ли ал-Фикр ал-Исломи, №60, Баҳор 1431 ҳж/ 2010), 65-бет.



*Тушунчалар* фактлар устидан пирамиданинг яна бир даражаси. Билим ушбу фандаги қонунларни ифодаловчи тамойиллар, қоидалар ёки математик тенгламалар сифатида шакллантирилган тушунчалар ўртасида ўзаро боғланган ёки сабабий муносабатларни ўрнатади. *Қонунлар* пирамидада учинчи даражани эгаллайди. Фактлар, тушунчалар ва қонунлар – бу нарсаларнинг ҳақиқатини мавжуд бўлган ҳолда ифодаладиган тавсифловчи даражалар. Эпистемик пирамиданинг бош қисмини нарсаларнинг мавжуд бўлиш сабабини тушунтирувчи назариялар даражаси эгаллайди. *Назариялар* фан феноменини тушунтирувчи тамойилларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай фандаги билим даражаларини ифодаловчи бошқа усулда билимнинг энг содда шакллари билимлар пирамидасидаги фактларга мос *маълумот* сифатида ифодаланади. Бир мавзуга оид маълумотлар жами эса *ахборот* шаклида ифодаланади.

Агар ахборотдан маълум мақсадда фойдаланилса, у *билимга* кўтарилади. Ўзини ва жамиятни ривожлантириш учун, шунингдек, ҳаётий саволларга жавоб бериш учун билимнинг қўлланилиши *донолик* сифатида ифодаланадиган тўртинчи даражадир. Олдинги билим пирамидасидан фарқли ўлароқ, бу даражаларнинг аҳамият ва функцияга асосланган муносабатларини тескари пирамидада чексиз очиқ уфқ билан тасаввур қиламиз.

### **Ақлий тузилиш қуроллари ва воситалари харитаси**

Ақлий тузилишнинг қурол ва воситалари ҳам кўп. Масалан, ўқиш шахснинг маданий ва ақлий ривожланишини ўргатиш ва тарбиялаш учун асосий фаолиятдир. Бу билан биз ўқишни хобби сифатида эмас, балки мазмунли, мақсадли ва тизимли ўқишни назарда тутамиз (масалан, тафаккурли, эсловчи, яхлит ёки танқидий ўқиш). Ўқилган матн тафсилотларини унинг референциал (ҳавола тарзидаги) доирасига жойлаштирадиган ва бу референциал доираларни

Ўзига тегишли бўлган эпистемологик тизимга жойлаштирадиган ўқиш туридир.

Худонинг якуний Китобида инсониятга ваҳий қилинган биринчи сўз буйруқ майлидаги «икро» (ўқи) феъли бўлиши бежиз эмас. Ушбу буйруқ кетма-кет икки марта такрорланади, биттаси Яратувчининг номига ижодни ўқиш учун, иккинчиси эса ёзилган ваҳийни ўқиш учун: «Яратган Роббинг номи билан ўқи. У инсонни алақдан яратди. Ўқи! Ва Роббинг энг карамлидир! У қалам билан илм ўргатгандир. У инсонга у билмаган нарсани ўргатди.» (96:1-5) Шунинг учун Худонинг сон-саноксиз ижодларида, шу жумладан, одамларнинг яратилишида кузатиладиган нарсалар ўқилади. Ўқилган нарса, шунингдек, хоҳ нозил қилинган китобларда ёзилган бўлсин, хоҳ пайғамбарлар айтган ёки билимдон одамлар томонидан ёзилган бўлсин, билим ва ўрганиш воситаси бўлган «қалам билан ёзилган» нарсадир.

Баъзи матнлар қайта-қайта ўқилганда ёки илгари айтиб ўтилган бошқа билим манбалардан бошқа матнлар билан биргаликда ўқилган бўлса ақлий тузилиш ривожланган бўлади. Шундай қилиб, тафаккур қилиш, ёдлаш, мувозанатлаш, таққослаш ва бирлаштиришнинг турли жараёнлари содир бўлади. Қачонки ўқувчи ўзининг ақлий тузилишига янги ғояларни кўшиб, ўқишдан ёзишга ўтса, у ҳолда у ғояларни бошқаради, тартибга солади ва аниқ созлайди, натижада эса ёзма билим ва муносиб материалларни бошқалар ўқийди.

Ўқиш ёзиш, тафаккур қилиш ва ёдлаш каби бошқа кўпгина ақлий тузилиш воситаларининг негиздир. Муҳокама, шунингдек, «тафаккур» (бошқалар билан фикр юритишга жалб қилиш) ва «тасакур» (tathākūr, бошқалар билан эслаш билан шуғулланиш) ақлий ўзаро таъсири воситасидир. Бу воситалар орқали ғоялар шаклланиб, маъруза, конференция ва тадқиқот мавзусига айланади. Шундай қилиб, ақлий ишлаб чиқариш ақлий тузилиш жараёни

каби доимий бўлиб қолмоқда. Бу жараёни янада такомиллаштириш учун олимлар, мутафаккирлар, ислохотчилар, файласуфлар, тасаввуфчилар ва ажойиб тажрибага эга бўлган кишилар билан мулоқот қилиш зарур. Улар билан учрашиш ва улардан ўрганиш учун саёҳат қилиш лозим.

### **Ақлий тузилишни ўлчаш харитаси**

Ақлий тузилишда ҳар қандай дастурнинг самарадорлигини баҳолаш амалиёти дастурни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш аҳамиятидан кам эмас. Икки турдаги ўлчов ва ақлий фаолият синовларига шошилиш эҳтиёж бор:

1) Фикрлаш жараёнларини ёки шахс ёки гуруҳнинг ақлий қобилиятни амалга оширганлик даражасини баҳолайдиган тадбирлар;

2) Ақлий тузилиш мазмунининг ўзлаштирилганлик даражасини баҳолайдиган чоралар. Мисоллар илмий, мантиқий, ижодий ёки танқидий фикрлаш қобилиятини ўлчайдиган синовларни, шунингдек, муаммони ҳал қилиш қобилиятларини ёки стандартдан ташқарида фикрлашни ўз ичига олади.

Бундай синовларнинг сифатли ва миқдорий негизлари асосан психология ва таълим соҳасидаги Ғарб манбаларига асосланади. Ушбу синовларни мусулмон мамлакатларидаги илмий ва академик дастурлар учун мослаштиришга уринишлар муваффақиятсизликка учраб, улардан тил, математика ва табиий фанлар соҳаларига фойдаланишни чеклаб қўйди. Ижтимоий илмларда жуда кам ҳаракат қилинган, ҳатто Исломиий илмларда ҳам, айниқса Ислом тафаккурида бундан кам ҳаракат қилинган эди.

Замонавий араб-исломий илмий доиралари аксарият соҳаларда, айниқса, психологик ва ақлий ўлчовлар соҳасида стандартиштирилган ўлчов воситаларининг етишмаслигига эгалар. Бундай муассасалар томонидан қўлланиладиган таълим дастурлари, ўқув дастурлари, ақлий синовлари, тадқиқот воситалари ҳамда ўлчов ва баҳолаш дастурлари асосан ақлий ва маданий импорт ҳисобланади. Мусулмон давлатлари ўз ўқув дастурларини мақсадлар, мазмунлар ва усуллар бўйича ишлаб чиқишда бирмунча тажриба орттирдилар. Бироқ, баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича уларнинг тажрибаси, айниқса, шахслар, гуруҳлар, муассасалар ёки жамиятларнинг ақлий ривожланишини ўлчаш воситаларини ишлаб чиқишда энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.

Мусулмонлар фикрлаш тизимини ва фикрлаш самарадорлигини баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш орқали методологик фикрнинг бир қанча соҳаларида модаларни расм қилувчилари ва кашшофлар бўлганлар. Турли ҳадисшунослик илмлари танқидий усулларни жорий қилган ва янгилаган. «Усул ул фикҳ» илми моҳиятан методологик фан бўлган эди. Эмпирик кузатишлар, индуктив мулоҳазалар ва тажрибаларга асосланган илмий усул мусулмон жамиятларида бошқа ҳар қандай жамиятга нисбатан илгари ривожланган ва тараққий қилган. Бу шуни кўрсатадики, мусулмон ақли тафаккур методологияларини, фикрлаш моделларини ва ўлчаш воситаларини ишлаб чиқишга бошқалардан кам эмас.

Қуръон ва суннат цивилизацион тузилишига (*умрон*) ҳисса қўшадиган тарзда тафаккур, хулоса чиқариш, шакллантириш ва амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқиш учун бой манбалардир. Ислом тафаккурининг асосли методологияси Қуръонни тушуниш ва унинг матнлари, масалалари ва мавзулари билан ишлаш методологиясидир. Бундан биз шахс, гуруҳ ёки жамиятнинг ақлий тузилиш даражасини белгиловчи фикрлаш,

изланиш ва хулқ-атворнинг бошқа усулларини келтириб чиқаришимиз, шунингдек, танқидий фикрлаш, ижодий фикрлаш ва сабабий фикрлаш каби муайян тафаккур турларидан фойдаланиш қобилиятини ўлчамимиз мумкин.

## **Ғоялар тарихи хариталари**

Тарих одамлар ва жамиятлар турли даврларда бошдан кечираётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ёки табиий ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланади. Бу ғояларни, шу жумладан, кадриятлар ва ишончларни ўрганиш учун ҳам амал қилади, чунки тарих воқеалари ўзлари шахсларнинг ғояларини, уларнинг одамлар ҳаётига таъсирини, улар давридаги ва кейинги даврларда цивилизация хусусиятларини шакллантиришга қўшган ҳиссаларини ифодалайди. Бу ғоялар уларнинг келиб чиқиш шароити ва ривожланиш омилларидан келиб чиққан бўлиб, кетма-кет даврлар ичида устунлик қилган ақлий оқимлар таркибига ҳам киради. Бу «ғоялар тарихи фани» деб номланган фан доирасида ўрганиладиган нарсадир.

Ғоялар тарихи фани асосий интеллектуал блоклар ёки бирликлардан ташкил топган. Бу соҳадаги мутахассис ушбу интеллектуал бирликларни (фактлар, тушунчалар, илм-фан қонунлари ва назарияларини), уларнинг яхлитлиги ва мустаҳкамлигини, шунингдек, улар орасидаги нисбатда ёки бўлинишда юзага келадиган нарсаларни аниқлашга интилади. Бу эса уларни инсон маданияти ва цивилизацияларининг кўтарилиши ва тушишини ўрганишда таҳлил бирликлари сифатида ишлатишга имкон беради.<sup>34</sup>

---

<sup>34</sup> Интеллектуал бирликнинг мисоли тирик мавжудотлар эволюциясини таҳлил қилувчи назария сифатида бошланган биологик эволюция ғояси ёки Дарвин назарияси. Бу назария тез орада бошқа фанларга кенг тарқалди ва ўзининг биология фанидан Ижтимоий Дарвинизм ва Сиёсий Дарвинизм назариялари пайдо бўлган социология ва сиёсатшуносликка кўчиб ўтган эди.

Ғоялар тарихи миллатлар ва халқлар гувоҳ бўлган даврга оид ўзгаришларига ғояларнинг таъсирини таъкидлайди. Мутахассислар ўз соҳаларининг ғоялар эволюциясини кузатиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир соҳада билимлар асрлар давомида кетма-кет содир бўлган воқеалар натижасида пайдо бўлган. Бу ҳодисалар тарих томонидан қайд этилган ҳақиқатга айланган ғоялар эди. Францияда нашр этилган сиёсий ғоялар энциклопедияси<sup>35</sup> бунга мисол бўла олади. Унда классик Юнонистон давридан ўн саккизинчи асргача Европадаги сиёсий ғоялар тарихи ҳикоя қилинади. Замонавий сиёсий ғоялар фақат шу ғояларнинг давоми ва ривожланиши ҳисобланмоқда. Ғоялар тарихи муассасалар, жамиятлар, тафаккур мактаблари, иқтисодий воқеалар тарихи билан, шунингдек, фалсафа, дин, адабиёт ва технология тарихи билан узвий боғлиқдир.<sup>36</sup>

## **Жуғрофик тафаккур хариталари ва тафаккур жуғрофияси**

Жуғрофик тафаккур одамларнинг ўзлари яшайдиган ер ва ундан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш воситалари ҳақида олган билимларини англатади. Улар уни ерга ўрнашганларидан бошлаб илмлар шаклида ёздилар. Баъзи «биринчи ҳақиқий жуғрофик тадқиқотлардан тўрт минг йил олдин амалга оширилган».<sup>37</sup> Бу атамага ернинг шаклланиши ва унда ҳаёт шакллариининг пайдо бўлиши билан боғлиқ фалсафий ғоялар ва назариялар ҳам киради. Бироқ, йигирманчи асрда тадқиқотлар атроф-муҳит тафсилотларидан кўра, инсон ҳаёти ва унинг фазовий муҳитдаги эҳтиёжларига эътибор бера бошланди.

---

<sup>35</sup> Жан Тушар «Тарих ал-Афкар ал-Сиясийя» (Сиёсий ғоялар тарихи), Нажи ад-Даравша таржимаси (Дамашк: Дор ат-Таквийн, 3-жилд, 2010). Асл нусхани француз тилида қаранг: Jean Touchard, Histoire des idées politiques, 6th edn., (Des origines au XVIIIe siècle, P.U.F., Paris, 1978)

<sup>36</sup> Худди шу ерда (арабча версияси), 1-жилд, 6-бет.

<sup>37</sup> Лалита Рана «Жуғрофик Тафаккур: Эволюциянинг тизимли қайдлари» (Нью Дели: Концепт оф Паблшинг Компани, 2008), 5-бет.

Жуғрофик фикр асосан чекланган табиий ресурслар, қашшоқлик, атроф-муҳитнинг таназулга учраши, ижтимоий ва иқтисодий ҳодисалар ва атроф-муҳитни ўрганиш каби антропоцентрик тушунчаларга устувор аҳамият бера бошлади.

Жуғрофик тафаккур жуғрофия ва ушбу фаннинг кўплаб соҳаларини, шу жумладан, одамлар ва жуғрофик муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни англатади. Бу боғлиқликни тушунтириш учун турли тушунчалар ва тафаккур мактаблари, энг аввало, «тафаккур жуғрофияси» тушунчаси пайдо бўлди. Замонавий ёндашувлар турли хил жуғрофик шароитларда миллатлар ва халқларнинг ақлий тузилишидаги турли-туманлик ва фарқлар жуғрофик жойлашув таъсири ва унинг иқлим ва топографияни ўз ичига олганлиги натижаси эмас, аксинча улар бошқа омилларнинг натижасидир.<sup>38</sup> Тафаккур жуғрофиясининг мавзулари инсон жуғрофиясининг геосиёсат, сиёсий жуғрофия ва маданий жуғрофия каби турли соҳаларини қамраб олади. Сиёсий жуғрофия жуғрофик муҳитнинг сиёсий ғоялар ва амалиётларга таъсирини ўрганиш билан боғлиқдир.<sup>39</sup>

Маданий жуғрофия инсон ҳодисаларини тушунтиришда жуғрофиянинг аҳамиятини ва маданиятлар маконга қандай тарқалишини, маданиятлар маконни қандай ҳис қилишини ва маданиятлар қандай килиб ўзларини ва бошқаларини тан олишлари орқали турли хил ўзига хосликларни қандай шакллантиришини ўрганади.<sup>40</sup>

---

<sup>38</sup> Шу нуктаи назардан қаранг: Ричард Нисбетт «Тафаккур жуғрофияси: Осиёликлар ва Ғарбликлар қандай килиб бошқача фикрда ва нима учун» (Лондон: Николас Брили Паблишинг, 2003) (Richard Nisbett, *The Geography of Thought: How Asians and Westerners Think Differently and Why* (London: Nicholas Brealey Publishing, 2003).

<sup>39</sup> Шу нуктаи назардан қаранг: Клаус Доддс ва Дэвид Аткинсон (муҳаррир) «Геосиёсий аънаналар: Геосиёсий фикр асри (Танкидий Жуғрофиялар)» (Лондон ва Нью-Йорк: Рутледж, 2000), 2-5-бет. (Klaus Dodds and David Atkinson (eds.), *Geopolitical Traditions: A Century of Geopolitical Thought (Critical Geographies)*, (London & New York: Routledge, 2000).

<sup>40</sup> Шу нуктаи назардан қаранг: Майк Крэнг «Маданий Жуғрофия», 1-нашри, (Лондон ва Нью-Йорк: Рутледж, 1998), 2-бет. (Mike Crang, *Cultural Geography 1st edn.*, (London & New York: Routledge, 1998).

Фалсафий, медиа ва диний тадқиқотларда марказий тушунча «дунёқараш» тушунчасидир (немис тилида *Weltanschauung*).

Дунёқарашлар маданий муҳитларнинг, цивилизацион даражаларнинг ва жамиятда ҳукмрон бўлган тафаккур моделининг хилма-хиллиги, айниқса, диний тафаккур каби турли-тумандир. Дунёқараш – кишиларнинг ўзи учун, ўзи ҳақида ва атроф-муҳит тўғрисида шакллантирадиган умумий ғоядир. Бундан ташқари, дунёнинг умумий нуқтаи назарига эга бўлган гуруҳ, жамият ёки уммат онгининг жамоавий ҳолатини тасвирлайди. Бироқ, ушбу тушунчанинг чуқур маънолари фалсафий ва диний эътиқодлар ва асосий ҳаётий зарур саволларга жавоб беришга уринадиган ғоялар билан чамбарчас боғлиқдир.

### **Ғояларни қабул қилиш қоидалари**

«Тафаккур» – Худо бизни яратганидан буён бизни ер юзида вакил қилиб яратиб, ўзимизни ва атрофимиздаги дунёни билиш қобилиятини берган инсоний хусусиятдир. Худо бизга ҳақ йўлни танлаш ёки четга чиқиш эркинлигини берди. Бизнинг Худога бўлган жавобгарлигимиз шахсий масъулият экан, фақат тушуниш ва идрок қилиш учун инсоний салоҳиятларимиз турлича бўлиши, итоат ёки гуноҳга бўлган муносабатларимиз ҳам ҳар хил бўлиши табиийдир. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илоҳий қонун, эътиқодлар ва ибодат қилиш билан боғлиқ ғояларни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилишда ваколат ва-зифасини ўтаган. Бироқ дунёвий билим ва тажриба билан боғлиқ масалаларда у баъзан ўз фикрларини қайта кўриб чиқиб, саҳобаларнинг ғояларини қабул қилган, чунки Аллоҳ Таоло унга улар билан маслаҳатлашишни буюрган эди. (Оли Имрон сураси, 3:159)

Ислом тафаккурида ғояларни қабул қилиш ёки рад этиш учун қарашлар тизимини шакллантирувчи кўплаб одамлар томони-



дан келишилган умумбашарий асослар мавжуд. Масалан, Ислом рукнлари ва иймон рукнлари муслмонларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланади. Шу билан бирга, биз Куръон ва Ҳадислардаги баъзи муқаддас матнларнинг мазмуни ҳақида изоҳлаш ва мулоҳаза юритишда фарқни топамиз. Бу воқеликни англашдаги фарқлар ва матнни ушбу воқеликдаги контекстга қўллаш усулларида келиб чиқмоқда.

Ғояларни қабул қилиш мезонлари ва қоидалари ҳам диний, ҳам дунёвий гуруҳлар орасида кенг фарқ қилади. Янги ғояни қабул қилиш мезони унинг гуруҳ ғояларига мос келиш даражасидир. Шундай бўлса-да, «тафаккур эркинлиги» тамойили кўплаб гуруҳлар тафаккурига кириб кетган бўлиб, унда гуруҳнинг ҳукмрон тафаккурига зид бўлган ғоялар кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши, шунингдек, эҳтимол қабул қилиниши ҳам мумкин, шу сабабли гуруҳ тафаккурини ўзгартиради ва ривожлантиради.

Ғояларни қабул қилиш қоидалари ва кўрсаткичларида тафаккур эркинлиги ва унинг чекланганлиги масаласи муҳокама мавзуси ҳисобланади. У дин эркинлиги ва сўз эркинлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ислом нуқтаи назаридан тафаккур эркинлиги нафақат қонуний ёки ижтимоий ҳуқуқ, балки бурч ва белгиланган ибодат шакли ҳисобланади. Иймон рукнлари ҳақида фикр ва мулоҳаза иймонни қабул қилиш учун асосдир. Бундай фикр натижасида баъзи шубҳалар ва уйдирмалар пайдо бўлиши мумкин, шунингдек, улар билан курашиш усуллари мавжуд. Қолган нарса шундаки, ақлий эркинлик масалаларини ҳал қилишнинг тамойили ва яқуний аниқловчиси диний фатволар орқали юзага келадиган ёрдамчи ҳуқуқий қоидалар эмас, балки шахс, уммат ва инсонийлик ҳуқуқларига нисбатан шариатнинг умумий ниятларига (*мақасидга*) эришиш учун зарур бўлган нарсасидир.<sup>41</sup>

<sup>41</sup> Жамолиддин Атиёя «Давабит ал-Хурийят ал-Фикрийя» (Ақлий эркинлик қоидалари), Мажалат ал-Муслим ал-Муъасир (Замонавий муслмоннинг журнали), (№ 99 алоҳида нашри, 25 йил, январь-март 2001), 167-196-бет.

# БЕШИНЧИ БОБ

## Тафаккур ва тил

Тил кўникмалари тўрт тоифага бўлинган: тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш. Биз ёзувчини «фикр» ҳақида бирор нарса ёзаётганини буни ўйламасдан ва шу тил кўникмаларидан бирини ёки бир нечасини фикрида ишлатмасдан тасаввур қила олмаймиз. Тилшунослар бу тўрт кўникмани шахснинг лисоний тараққиёти жараёнида юзага келиш тартибида тузадилар. Тинглаш ва ўқиш инсоннинг ақлий асосини ривожлантиришнинг муҳим воситаларидир. Бироқ, одам гапирмагунча ёки ёзмагунча бу асосни аниқлаб олмаймиз.

Тил – бу қолипдир, фикр эса ушбу тил қолипига қуйиладиган таркибдир. Таркиб қолип шаклини олади ва унинг чегаралари билан аниқлик ва сифат жиҳатидан белгиланади. Тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатлар ўзаро ва бирлаштирувчидир. Бу ўзаро боғлиқ, чунки улар бир-бирига таъсир қилади ва бу бирлаштирувчи, чунки улар бир-бирига муҳтождир, бинобарин, бирининг бойлиги иккинчисини бойитади. Тил фикрни ифодалашга ва уларни фикр мулоқот мавзусига айланадиган лисоний борлиқ соҳасига кўчиришга ёрдам беради, деган маънода тафаккурга хизмат қилади. Тафаккур ҳам маъно кўчириш учун энг аниқ ва ифодали таърифлашлар ва терминологияларни танлашга ёрдам бериб, тилга хизмат қилади. Бинобарин, фикр тилни яратади ва ўзи унинг ёрдамида ўзаро яратилади.

### **Тафаккур ва тил ўртасидаги муносабатнинг тарихий ўлчов**

Қуръон тафаккур ва тил ўртасидаги муносабатни таъкидлайди: «Ва У зот одамга исмларнинг барчасини ўргатди...» (2:31) Худо

одамларни яратди ва баённи (тушунтириш ва дикцияда нутқ санъатини) ўргатди: «Роҳман. Қуръони ўргатди. Инсонни яратди. Унга баённи ўргатди...» (55:1-4) Худо ҳам тилни ва тилшунослик қобилиятини баён билан боғлайди: «Қайсики Пайғамбарни юборган бўлсак, баён қилиб бериши учун ўз қавми тили ила юборганмиз...» (14:4)

Бу муносабатга қизиқиш инсоният тарихида, айниқса, Сукрот, Арасту ва ундан кейинги Юнон ва Рим файласуфлари даврида қадим замонларга бориб тақалади. Ушбу муносабат билан боғлиқ учта ҳамма қабул қилган савол ҳозиргача муҳокама қилинмоқда: тилнинг келиб чиқиши (табiiй ёки шартли), унинг мунтазамлиги ва унинг тузилиши. Ҳатто «логос» атамаси ҳам Ғарб тафаккури тарихида тил, оқилона ва фикрни бир вақтнинг ўзида тушунтириш учун ишлатилган.<sup>42</sup> Тилшунослик тафаккур ҳақидаги баҳслар тарих мобайнида давом этмоқда. Масалан, Басра ва Куфа грамматика мутахассислари ўртасида ёки турли Ғарб мактабларининг тилшунослари ўртасида (1975-йилидаги Жан Пиаже ва Ноам Хомский ўртасидаги сезиларли мунозара).<sup>43</sup> Бугунги кунда ҳам замонавий Ғарб услубиётларини қўллашга эътибор қаратадиган модернист араб тилшунослари билан араб тилшунослик тафаккурининг тилшунослари ўртасида тортишувлар мавжуд.<sup>44</sup>

<sup>42</sup> Рой Харрис ва Талбот Ж. Тэйлор «Тилшунослик тафаккурда босқичлар, 1-жилд: Сукротдан Соссюргача бўлган Ғарб анъанаси», (Тилшунослик тафаккур тарихи), 2-нашри, (Лондон ва Нью-Йорк: Рутледж, 1997), 1-жилд, XIII-XV; 21-28-бет (Roy Harris and Talbot J. Taylor, Landmarks in Linguistic Thought Volume I: The Western Tradition From Socrates To Saussure (History of Linguistic Thought), 2nd edn., (London & New York: Routledge, 1997), vol.1, pp. XIII-XV; 21-28). Китобда қадимги файласуфлардан тортиб Библиягача, ўрта асрлардан то ўн тўққизинчи асргача тилнинг инсон тафаккури ва жамиятдаги ролини очиб берувчи асарлар ўрганилади. 2-жилдда йигирманчи асрдаги ушбу соҳадаги ҳаракатлар муҳокама қилинади.

<sup>43</sup>Массимо Пиателли-Палмарини (тахрир) «Тил ва Таълим: Жан Пиаже ва Ноам Хомский ўртасида баҳслар», 3-нашри, (Гарвард Университи Пресс, 1980). (See Massimo Piattelli-Palmarini (ed.), Language and Learning: The Debate Between Jean Piaget and Noam Chomsky 3rd edn., (Harvard University Press, 1980).

<sup>44</sup> Нихад Муса «Ал-Мағмур фи Даъират ал-Нур» (Нур доирасига чўмган), аз-Забн муқаддимаси, Имад Аҳмад «ат-Тафқир ал-Лисаний инда Улама ал-Ақлия ал-Муслимин» (Муслулон илоҳиётчиларининг лисоний тафаккур), (Аммон: Дор ан-Нур ал-Мубин, 2014), 4-17-бет.

Ислом мероси инсон тилининг келиб чиқиши ва унинг фикрлаш, тушуниш ва идрок қилиш муносабатларини муҳокама қилувчи асарларга ҳам бойдир. Бундай асарларда араб тилининг тузилиши, унинг илми ва Қуръон мазмунини етказишдаги ўрни ўрганилади. Масалан, Абул-Асвад ад-Дуъалий (вафоти 69-хж), Ал-Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий (вафоти 175-хж) ва унинг шогирди Сибавайх (вафоти 180-хж) асарлари. Муҳим ақлий ҳиссасини Ал-Жоҳиз (вафоти 255-хж), Ал-Журжоний (вафоти 474-хж) ва Ибн Жинний (вафоти 392-хж) қўшганлар.

Ибн Халдун тилларни маъно ифодалашга хизмат қилувчи, уларни олиш ва такрорлаш орқали шаклланадиган ва ўзлаштириладиган ишлаб чиқариш одатлари (кўникмалари) сифатида кўриб чиққан. Ифода сифати бу одатнинг мукамаллигига боғлиқдир.<sup>45</sup> Ал-Ғаззолий тафаккур, билим ва тил ўртасидаги мавжудлик алоқасини ойдинлаштирган, шунингдек, шахсий мавжудлиги, оқилона мавжудлиги ва тил мавжудлиги ўртасидаги фарқни аниқлаган.<sup>46</sup> Мусулмон олимлари араб тилини фақат фикр ва ақл билан эмас, балки дин билан ҳам боғлаганлар. Ибн Таймиянинг фикрича, араб тилининг ўзи диндан келади, чунки Қуръон ва Суннатни тушуниш араб тилини билмасдан адо этиб бўлмайдиган мажбуриятдир.<sup>47</sup> У шундай деб, қўшиб қўйди: «Араб тили Ислом ва халқининг рамзидир, чунки тиллар халқларни ажратиб турувчи энг буюк белгилардандир».<sup>48</sup>

---

45 Абдурахмон Ибн Халдун «Муқаддима: Тарихга Кириш», Франц Розентал таржимаси, (Принстон, Нью-Жерси: Принстон Университи Пресс, Боллинген XLIII серияси, 2-нашрининг 2-нашри, 1980), 3-жилд, 342-бет.

46 Абу Ҳомид ал-Ғаззолий «Худонинг тўксон тўккиз гўзал номлари» (Ал-Максад ал-Аснафий Шарх Асмаъ Аллах ал-Хусна), Дэвид Б. Баррелл ва Назих Даҳер томонидан изоҳлари билан таржима, (Кембриж: Исламик Текст Сосайети, 2007 қайта босилган), 6-7-бет.

47 Ибн Таймия «Иқтида ас-Сират ал-Мустақийм ли Мухалафат Асхаб ал-Жаҳим» (Жаханнам аҳлига қарши туришда ҳақ йўлга эҳтиёжи), Носир ибн Абдулкарим ал-Ақл таҳрири остида, (Ар-Риёд: Мактабат ар-Рашид), 1-жилд, 469-бет.

48 Худди шу ерда, 462-бет.

## Тафаккур ва тил ўртасидаги баён

«Баён» атамаси Қуръондаги афзал сўздир. Бу сўз «бана» илдиз феълнинг бошқа ҳосилалари билан бирга Қуръонда 257 марта от ва феълларнинг турли шаклларида учрайди. У аниқликни, тушунтиришни ва муайянликни ифодалаш учун, шунингдек, инсон тили орқали нарсаларни кўрсатадиган ва ўз фикрларини аниқ ифода этадиган восита сифатида ишлатилади. Баён Қуръоннинг ўзини тасвирлаш учун ишлатилади: «...бу одамлар учун баён ва такводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир...» (3:138) Унинг сўзлари ва аломатлари махфий маънога эга бўлган сир эмас, аксинча, улар турли даражадаги нотиклигида намоён бўладиган, ажойиб сифат ва тенги йўқ даражасига етиб борадиган аниқ ва равшан оятлардир. Араб олимлари унинг мавзулари, мақсадлари ва асосларини батафсил тавсифлаб, кенг камровли «баён ҳақида фан»ни ишлаб чиқдилар. Бу соҳада ҳам мумтоз, ҳам замонавий бўлган кўплаб китоблар, шу жумладан, Ал-Журжонийнинг «*Асрор ул-Балога*» (Нотиклик сирлари) асари ёзилган бўлиб, у Қуръон оятларига нисбатан баён фазилатини ёритиб беради.<sup>49</sup> Ал-Жоҳиз томонидан ёзилган «Ал-Баён ва ат-Табйийн» «баённи» маъно кўрсаткичи сифатида, «табйийнни» эса кейинги изоҳ сифатида тақдим этади. Ал-Жоҳиз шундай тушунтиради: «Баён – яширин маъно ниқобини ошкор қиладиган ва ички маънони очиб берувчи ҳар бир нарсанинг жамоавий номи... Бунинг сабаби шундаки, маърузачининг ҳам, тингловчининг ҳам мақсади тушуниш ва тушунилган бўлишидир. Тушунишга эришиладиган ва маъноси аниқланадиган ҳамма нарса бу баёндир».

---

<sup>49</sup> Абдулқоҳир ал-Журжоний «Асрор ул-Балога» (Нотиклик сирлари), Махмуд Муҳаммад Шакир томонидан изоҳлари билан таҳрир (Жидда: Дор ул-Маданий, 1991).

Ал-Жоҳиз оғзаки ва оғзаки бўлмаган усулларни (ибора, имо, «дактилономия» бармоқ билан санаб бериш, ёзиш ва «нисбат» ҳиссий ҳолати) инсоннинг тилда ифодаси деб билади.<sup>50</sup>

Ёзув лисоний баён санъатида ажойиб мақомга эга. Ал-Хатиб ал-Бағдодий (вафоти 463-ҳж): «Билимни ёзма равишда мустаҳкамланг [ёзиб олинг]», деган Пайғамбар ҳадисини келтириб, унинг аҳамиятини таъкидлайди.<sup>51</sup> Ибн Халдун ёзувнинг аҳамиятини кўтариб, уни олийжаноб хунармандчилик деб ҳисоблайди. У шундай дейди: «Ёзиш санъати ва унга боғлиқ бўлган китоблар ишлаб чиқариш инсонни ҳаяжонга соладиган нарсаларни сақлаб қолади ва уларни унутишга йўл қўймайди... У китобларда фикрлаш ва илм-фан натижаларини абадийлаштиради. У ғоялар учун мавжудлик тартибини [кўтаради]».<sup>52</sup>

## **Тафаккур ва тил ўртасидаги муносабат ҳақидаги назариялар**

Тафаккур – бу психологик, ижтимоий ва лингвистик фаолиятдир, шунинг учун у психология, социология ва тилшунослик каби соҳаларда тадқиқот мавзуси, шунингдек, улар оммавий ахборот воситалари, сиёсат, иқтисодиёт каби бошқа фанларда қўлланилади. Кўплаб Ғарб психологик мактаблари ва назариялари фикрлаш ва тил ўртасидаги муносабатлар ҳақида ўз қарашларини тақдим этади. Мусулмон шахсининг ақлий тузилиши мақсадида ушбу назарияларнинг умумий тамойиллари билан танишиш ва уларни Ислоҳ дунёқарашига мос равишда танқидий ва таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқиш фойдалидир. Мусулмон психологи Малик Бадри ўзининг психологик тадқиқот-

<sup>50</sup> Абу Усмон Амир ибн Бахр ал-Жоҳиз (вафоти 255 ҳж) «Ал-Баён ва ат-Табийин» (Аниклик ва изоҳ), Абдулсалам Ҳарун томонидан таҳрирланган ва тушунтирилган, 7-нашири, (Қоҳира: Мактабат ал-Хонжий, 1998), 1-жилд, 76-бет.

<sup>51</sup> Абу Бақр Аҳмад ибн Али ибн Сабит ал-Хатиб ал-Бағдодий (вафоти 463-ҳж) «Тақийид ал-Илм» (Билимларни ёзиш), Юсуф ал-Аш томонидан изоҳлари билан таҳрир (Ҳалаб: Дор ул-Ваъий, 1975), 116-бет.

<sup>52</sup> Ибн Халдун «Муқаддима: Тарихга кириш», 2-жилд, 356-бет.

лари ва психотерапия амалиётида худди шундай йўл тутади. Бадри, инсон тафаккури билан тил ўртасида кучли ўзаро боғлиқлик борлигига қўшилади, чунки «тил нафақат инсоннинг алоқа ва мулоқот воситаси, балки фикрлашда қўлланиладиган асосий тизимдир».<sup>53</sup>

Қуйидаги жадвалда фикрлаш ва тил ўртасидаги муносабатлар ҳақида таниқли назариялар қисқача кўрсатилган. *Мақасид* асосларига қўшимча ўлчамлар, шу жумладан ҳуқуқ ва эркинликлар қўшилиши зарур. Бугунги кунда Исломи психология мактабининг йўқлиги ҳайратланарли ҳол. Бироқ, ўтмишда муслмон олимлари ҳақиқатдан ҳам тафаккур ва тил ўртасидаги муносабатни турлича талқин қилишган. Масалан, Ибн Жинний, инсон тилининг келиб чиқишини муҳокама қилган:

Тил одатий келишув орқали ёки Илоҳий илҳом ва ваҳий орқали ўрнатилганми ёки худо одамларга тилни ўрганиш қобилятини берганми?<sup>54</sup> Шу жиҳатдан тил инсоннинг тафаккур, билим ва маданиятга эга бўлганларнинг асосини ташкил этувчи оғзаки, ёзма, чизилган ва жонлантирилган рамзлардир, бинобарин, тил барча маданий белгиларнинг онаси ҳисобланади.<sup>55</sup> Тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатни тушунишга уринаётган турли назариялар ва баҳслар, эҳтимол, биологик, табиий ва ижтимоий ёндашувдан ёки диний талқинни ҳисобга олган ёндашувдан келиб чиққан ҳолда давом этиши мумкин.

Ушбу муаммони ўрганаётган олимлар турли илм-фанларга мансублигини ҳисобга олиб, бирон бир назария уни аниқ ҳал қилиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳар бир назария, умуман ол-

<sup>53</sup> Малик Бадри «Тафаккур: Исломи маънавий-психологик ўрганиш», 15-бет.

<sup>54</sup> Ибн Жинний, Абул Фатҳ Усмон, Ал-Хасаъис ([Араб тилининг] ўзига хос хусусиятлари). 3 жилд, Муҳаммад Али ан-Нажжор таҳрири остида, (Қоҳира: ал-Мактаба ал-Илмийя, 1952).

<sup>55</sup> Маҳмуд Дауади «Ва Аллама Адам ал-Асма Кулаҳа фи Мизан ар-Румуз ат-Тақафий» («Ва У зот одамга исмларнинг барчасини ўргатди») маданий рамзлар миқёсида, Исламийят ал-Маърифат (Билимларни исломлаштириш журнали), (№ 75, 19 йил, Қиш 1435 ҳж/2014), 161-186-бет.

ганда, бутун мавзу эмас, балки фақат мавзунинг бир жиҳатини изоҳлайди. Эҳтимол, ушбу савол ақлий ҳаракатлар, мунозаралар ва мулоқот учун очик қолар. Инсон билимининг табиати шундай эмасми?!

Шунга қарамай, тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатларга доир бир қатор тамойиллар мусулмон ақлий қурилиши мақсадлари учун нисбатан шубҳасизлигича қолмоқда. Биринчидан, инсон тафаккурини унинг лисоний ифодасисиз тасаввур қилиш қийин ва фикрнинг тилни бойитишга таъсирини истисно қилиш ҳам қийиндир. Ушбу муносабатлар ўзаро ва бирлаштирувчидир. Иккинчидан, биз худо инсониятнинг отаси Одам Атони (алайҳиссалом) яратганига ва унга тилшунослик қобилиятларни ато қилганига ишонамиз. Учинчидан, бу тилшунослик қобилияти (ёки одати) илоҳий равишда яратилган инсон моҳиятининг туғма, генетик «лойиҳа»нинг бир қисмидир.

У эшитиш, кўриш ва нутқ асбоблари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири тил ва тафаккур билан боғлиқ тутган ўринлари учун мослаштирилган. Тўртинчидан, инсон тили ўзининг келиб чиқишида ягона тил бўлган, кейинчалик одамлар турли жуғрофик худудларга жойлашганда шевалар ажралиб, сўнгра алоҳида тилларга айланганини тахмин қилиш ўринли. Бешинчидан, одамлар вақт ўтиши билан тил ўрганишган ва тил муҳи-тида эшитганлари орқали атрофдагиларнинг дунё ҳақидаги тушунчаларини ифодалашда фойдаланишган.

### **Тилшунослик малакаларининг тараққиёти ва тафаккур**

Тил алоқа, ифода ва фикрлаш воситасидир. Одам сўз бойлигига, тузилмаларига ва тил матнларига эга бўлган даражага қараб ғояларни мослашувчан тарзда шакллантириши ва уларни аниқ, ишончли ва самарали ифодалаш мумкин. Масалан, араб тилига қизиқиш грамматикадан ва синтаксисдан, хусусан фи-



логик қоидалардан тўғри фойдаланишда кўрсатилган. Баъзи ғоялар мувозанатли тарзда шакллантирилганда ақлга қулай жойлашади, бу эса уларни эслаб қолиш ва матн сифатида эслаб қолиш имконини беради, масалан, улар шеърий шаклда шакллантирилганда.

Араб тилида Қуръони Каримни муттасил ўқиш ва ёд олиш лисоний малакаларни ривожлантириш, нутқ ва артикуляцияни тўғри йўлга солиш, ифодани нозик созлаш, фикрларни бойитиш, оғзаки ва ёзма сўзларнинг маъносини ошириш учун энг яхши воситалардан биридир. Ибн ал-Асир (вафоти 637-хж) Қуръоннинг тил малакаларини яхшилашга таъсирини шарҳлаб беради. Бунга «риторика жойларини ва Қуръонга киритилган нотик нутқ сирларини билиш ва уни ўз нутқининг табақаларига ўрнатиш учун марварид ва қимматбаҳо тошларни чиқариб олиш учун денгиз сифатида [кўриш] орқали эришилади... Ёлғиз Қуръон турли нутқ санъатлари учун манба ва восита сифатида кифоядир».<sup>56</sup> Кўпгина воситалар ёзув сифатини яхшилашга ёрдам беради, бироқ Ибн ал-Асир «масаланинг боши, негизи ва тепаси учта асбоб: Қуръонни ёдлаш, Пайғамбарлик ҳадисларини кенг ёдлаш ва шеър»<sup>57</sup> деб белгилайди.

Одамлар ўртасидаги ақлий ўзаро муносабатлар турли воситалардан фойдаланишни талаб қилади. Ҳар бир восита бошқа воситалар билан бажариб бўлмайдиган алоҳида вазифани амалга оширади. Масалан, бундай ўзаро алоқани оғзаки мулоқот ёки, аксинча, ёзиш билан чегаралаш етарли эмас.

Оғзаки нутқ ва саводхонлик, ҳар бири ўз вазифани бажарадиган, иккита бирлаштирувчи восита. Ижтимоий-тилшунослик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, барча тилларнинг манбаи оғ-

56 Иззуддин ибн ал-Асир (вафоти 637-хж) «Ал-Масал ас-Саъир фий Адаб ал-Катиб ва аш-Шаъир» (Адиб ва шоир адабий интизомининг замонавий модели), Аҳмад ал-Хуфий ва Бадави Табана томонидан муқаддима ва шарҳлар билан, (Қоҳира: Дор Наҳдат Миср ли ат-Таъ ва ал-Нашр), 61-бет.

57 Худди шу ерда, 102-бет.

заки нутқдир. Бироқ, инсон жамиятлари томонидан яратилган минглаб тиллардан фақат бир нечта тил қолди, чунки ёзувга эга бўлмаганлар йўқ бўлиб кетди. Бундай тадқиқотлар таъкидлашчи, «ёзув, сўзнинг маконга боғлиқлиги, деярли меъёридан ортиқ тилнинг имкониятларини кенгайтиради, тафаккурни бошқача қилиб тузади... Ёзув [трансдиалектал тилга] ҳар қандай соф оғзаки шевага нисбатан анча устун бўлган кучни беради».<sup>58</sup>

Ёзувнинг қиймати вақт давомида унинг доимий таъсирида кўрсатилади. Ҳатто ёзилган матннинг рад этилиши ёки тўлиқ яроқсизлиги ҳам уни фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилмайди. Ёзув шуурни кучайтирар экан,<sup>59</sup> Онг қўшиб қўяди: «Бу ҳам китобларнинг ёқилишининг сабабларидан биридир. Бутун дунё буни ёлғон эканини билади, деб даъво қиладиган матн, бу матн мавжуд экан, ёлғонни даъво қилади. Матнлар ўзларининг табиатига кўра зиддиятлидир».<sup>60</sup>

Оғзаки нутқ асосий инсон туғма ҳис-туйғусига яқинроқ бўлса-да, ёзиш инсон тажрибасининг тўпланиши ва технологиянинг ихтиро қилиниши натижасида ривожланди. Оғзаки нутқ ва ёзиш технологиялари янада ривожланди ва қайта-қайта такрорлаш қобилияти билан хоҳлаган маҳалда тинглаш ва ўқиш учун мавжуд бўлиб келди. Янги технологиялар тингловчилар ёки ўқувчиларга тушунтириш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ёки эътироз билдириш имконини берадиган материал билан ҳатто ўзаро алоқада бўлиш имконини беради. Буларнинг барчаси глобал тармоқлар орқали электрон нашрлар туфайли исталган вақтда ва исталган жойдан миллионлаб одамлар учун мавжуд бўлиб қолди.

---

58 Уолтер Ж. Онг «Оғзаки нутқ ва сводхонлик: Дунёни замонавий техникалар билан жиҳозлаш» (Лондон ва Нью-Йорк: Метуэн энд Ко., 1982), 7-бет. (Walter J. Ong, *Orality and Literacy: The Technologizing of the World* (London & New York: Methuen & Co., 1982), pp.7.)

59 Худди шу ерда, 81-бет.

60 Худди шу ерда, 77-78-бет.

Шубҳасиз, бу воситалар тил малакаларининг ривожланиши билан бир қаторда ақлий тузилишнинг ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятига эга.

### **Ақлий ва тилшунослик суиистеъмол**

Тил қиймати ва ишончилигида фарқ қилувчи маъноларни билдиради. Бу фарқ тил фойдаланувчисига ва унинг мақсадига боғлиқ бўлиши мумкин. Ибора самимий ёки сохта бўлиши мумкин. Ёлғон билмаслик оқибатида бўлиши мумкин, ёки қасддан бўлиши мумкин. Танланган сўзлар олижаноб ниятни ёки бадният мақсадни ифодалаш мумкин. Ушбу сўзлар юзага аниқ ва очиқ бўлиши мумкин ёки яширин ва ноаниқ ниятларга эга бўлиши мумкин. Баъзи одамлар сўзларни ўзларининг контекстини бузадиган тарзда талқин қилишади. Бу ақлий ва тилшунослик суиистеъмол қилиш ва манипуляция ҳолатларини акс эттиради.

Тил ҳам олувчиларнинг фикрлари ёки хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатадиган воситадир. Бинобарин, реклама, тарғибот ва оммавий ахборот воситалари мутахассислари, сиёсатчилар ва воизлар олувчиларнинг қалби ва онгида керакли таъсирни берувчи сўзларни танлашга алоҳида эътибор берадилар. Айниқса, ақлни программалаш ва мияни ювиш билан шуғулланадиган янги технологиялар ва медиа пайдо бўлиши билан тилни суиистеъмол қилишнинг жиддийлиги энди кучаймоқда. Бироқ, бу одамлар ўзларининг сингиб кетган эътиқодларидан осонликча тилшунослик таъсир жараёнлари фойдасига воз кечишларини англамайди. Аксинча, аксарият одамлар тил нутқининг ниятлари ҳақида маълум даражада хабардор бўлишлари кутилмоқда, шу боис улар ўз эътиқодларига зид бўлган нарсаларни рад этмоқдалар ва уларга қарши турмоқдалар.

## Ички нутқ – нафсий калом сифатида

Мусулмон илоҳиётшунослар инсоннинг сезги нутқ (ҳис-туйғулар билан таниладиган ёзма ёки оғзаки тил, *ҳиссий калом*) ва ички нутқни (*нафсий калом*) ажратиб турадилар. Иккинчиси Қуръоннинг инсон нутқидан фарқ қилувчи «Худонинг нутқи» сифатида таърифидан келиб чиқади. Бу абадий ва ҳеч қандай бошланиши бўлмаган ва сўз шаклида ёки ёзма равишда мослаштирилмаган Худонинг моҳиятида таърифга сиғмайдиган нутқдир.

Сўнгра, илоҳий ички нутқ тушунчаси инсон нутқида ўз аксини топган. Илоҳиётчилар ҳиссий инсон нутқи (ҳиссий калом) ички психологик ва маънавий модданинг мавжудлигидан келиб чиқади, деб ҳисоблаганлар. Улар нафсий каломнинг ички табиати, моҳияти ва хусусиятларига мурожаат қилиб, унинг ҳиссий каломга муносабатларини тушунтиришган. Бу соҳада кашшофлар орасида қуйидаги илоҳиётшунослар: Адудаддин ал-Ижй (вафоти 756-ҳж), Саъдиддин ат-Тафтазоний (вафоти 792-ҳж) ва аш-Шариф ал-Журжоний (вафоти 816-ҳж). Улар ҳиссий нутқ тушунчаси асосланадиган психологик ва рухий негизлар тизимига диққат билан қараганлар.<sup>61</sup> Бу ички нутқ сезгилар кузатган ташқи муҳит, қуршов ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, ҳиссий нутқнинг чиқишига олиб келадиган психологик таъсирланишларни келтириб чиқаради.

Тил билан айтиладиган нутқ бор (*лафзий калом*) ва гапирилмайдиган ички мулоқот бор, баъзилар уни *нафсий калом* ёки *ҳадис ун-нафс* деб атайдилар. Инсон ўзи билан нутқ ёрдамисиз, яъни гапирмасдан гаплашади ва Аллоҳ Таоло нутқда ошкор бўлган нарсани ва яширин қолган нарсани билади.

---

<sup>61</sup> Имад Аҳмад аз-Забн «ат-Тафқир ал-Лисаний инда Улама ал-Ақлийят ал-Муслимин» (Мусулмон илоҳиётшуносларининг лисоний тафаккури), (Аммон: Дор ан-Нур ал-Мубин, 2014), 307-325-бет.

## Билингвизм, Диглоссия ва уларнинг тафаккур, маданият ва ўзига хосликка таъсири

«Диглоссия» ва «билингвизм» атамалари тизимли таърифга эга эмаслар ва шахслар ва жамиятлар учун уларнинг маънолари ҳақида фикрлар фарқланади.<sup>62</sup> Умуман олганда, диглоссия бир тилнинг турли хил шароитларда ишлатиладиган иккита лисоний даражасига, баланд ва паст сўзлашув турларига, арабча «*фусҳа*» (классик/стандарт) ва «*оммия*» (сўзлашув) сингариларга эга бўлишига ишора қилади.<sup>63</sup>

Бошқа томондан, билингвизм – бу икки хил тилнинг, яъни маҳаллий ва бошқа тилнинг мавжудлиги (бошқача айтганда, маълум соҳаларда ишлатиладиган чет тили, ёки жамиятда кенг тарқалган иккинчи тил, ёки икки тиллилик муҳитида ўсаётганлар ёки ўрганаётганлар орасида икки тилда гапирадиганлар).<sup>64</sup> Психология, тилшунослик ва социология соҳасидаги турли тадқиқотлар билингвизм ва диглоссиянинг шахснинг таълимига, шахсиятига ва мансублигига, шунингдек, жамиятга, унинг бирлашганлигига ва ўзига хослигининг барқарорлигига ижобий ва салбий таъсирини кўрсатади.<sup>65</sup> Мана шу ҳодисаларнинг фикрлаш жараёнига таъсири ва ғоялар ифодасининг аниқлиги ва равшанлиги даражаси ҳақида қайғурамыз.

---

62 Нг Би Чин ва Жиллиан Уиглсуорт «Билингвизм» (Нью-Йорк: Рутледж амалий тилшунослик серияси), 5-8-бет. Кэрл Майерс-Скоттон «Бир қатор овозлар: Билингвизмга муқаддима» (Нью-Йорк: Блэуэл Паблишинг Лтд, 2006), 16-34-бет., 35-66-бет.

63 Иброҳим Кайид Маҳмуд «Ал-Арабийя ал-Фусҳа байна ал-Издиважийя ал-Луғавийя ва ал-Тунабийя ал-Луғавийя» (Билингвизм ва Диглоссия ўртасидаги Фусҳа [Классик] араб тили), ал-Маҷалла ал-Илмийя ли Жамийят ал-Малик Файсал (Ал-Улум ал-Инсанийя ва ал-Идарийя) (Файсал қироли университетининг илмий журнали, Гуманитар ва Бошқарув фанлари), (3-жилд, №1, зу-л-ҳижжа 1423-ҳж/2002. март), 53-108-бет.

64 «Нихад ал-Мусо, Ма Кана ва Ма Хува Каъин ва Ма Янбағий Ан Якун» (Нима бўлган, Нима бор ва Нима бўлиши керак), Надват ал-Издиважийя фий ал-Луға ал-Арабийя (Араб тилидаги Диглоссия бўйича илмий кенгаши), (Аммон: Иордания Университети, 1988), 84-бет.

65 Муҳаммад Ражи аз-Зугул «ал-Издиважийя фий ал-Луға ал-Арабийя» (Араб тилидаги Диглоссия), «Надват ал-Издиважийя фий ал-Луға ал-Арабийя»да тақдим этилган мақола (Араб тилидаги Диглоссия бўйича илмий кенгаши), (Аммон: Иордания Университети, 1988).

Таълимнинг тарқалиши, хабардорликнинг ва маданий билимларнинг ўсиши билан тилнинг сўзлашув ва классик шакллари орасидаги бўшлиқ аста-секин торайишга интилмоқда. Сиёсий ечимлар бу бўшлиқни камайтириш ва диглоссиядан келиб чиқадиган баъзи муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Билингвизм, бошқа томондан, икки тил ўртасидаги аралашув ва қарама-қаршиликлар туфайли йирик лингвистик, психологик ва ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади. Бундай кенг келтирилган муаммолардан бири тил ориқлашидир.<sup>66</sup>

Билингвизм ва диглоссия тилдаги хилофликда, тафаккурдаги хилофликда акс этадиган жиддий ҳолатни ёритиб берган. Маданий кучли таассуротлар шахснинг фикрлаш тарзига турлича таъсир кўрсатиб, кўпинча «аклий диглоссия»га олиб келади. Мисол учун, Малик Беннаби, хорижий тилдан фойдаланишни мустамлакачилик даврининг мустамлака бўлган мамлакатнинг маданий ва аклий тузилмаларига таъсир кўрсатаётган сингдириш сифатида кўриб чиқади. Унинг сўзларига кўра, билингвизм атамаларнинг бузилишини, уларнинг маънолари ва тубмаъносини ўзгартиришни, шунингдек, ижодкорликни ўчиришни осонлаштиради. Натижада, «билингвизм миллий маданиятга энг мос келмайдиган таъсирларни қолдириши мумкин».<sup>67</sup>

Бироқ, бу маданий ва аклий билимларни кенгайтириш учун чет тилларни ўрганишнинг муҳимлигини камайтирмайди. Бироқ, айниқса, сўзлашув тилида хорижий терминларининг тез-тез ишлатилиши кишининг ўз фикрларини она тилида ифодалашга лаёқатсизлигини кўрсатмоқда.

---

<sup>66</sup> Чин ва Уиглсуорт «Билингвизм», 71-78-бет. Эмануэл Билунд «Она тилининг камол топишига чеклашлар ва унинг ориқлаши» (Лэнгуидж Лёрнинг; 59 (3), 2009, сентябрь), 687-715-бет. (Emanuel Bylund, «Maturational constraints and first language attrition», (Language Learning; 59 (3), September, 2009), pp. 687-715).

<sup>67</sup> Малек Беннаби «Мушкилат ал-Афқар фий ал-Алам ал-Исламий», Бассам Барака ва Аҳмад Шаббу томонидан таржима қилинган, Умар Маскави томонидан тақдим этилган (Дамашк: Дор ул-Фикр, 1988), 137-1144-бет. (ва Malek Bennabi, Le problème des idées dans le monde musulman (Hydra-Alger: El Bay'yinate, 1990).

## ОЛТИНЧИ БОБ

### **Таҳлилий марказлар – ақлий тузилиш лабораториялари сифатида**

#### **Ғояларни ривожлантириш: шахсий ижодкорлик ва институционал фаолияти ўртасида**

Тарихнинг аксарият даврларида тафаккур ишлаб чиқариш шахсий фаолият бўлиб келган. Бироқ, ижтимоий ҳаётнинг айрим жиҳатлари, хоҳ шахс томонидан таклиф қилинган ёки жамиятга зарур бўлган ғоялар бўлсин, жамоавий фикрлашни талаб қилмоқда. Жамоавий фикрлашнинг айрим турлари режалаштирмай туриб ўз-ўзидан эришилади, бошқалари эса режалаштириш, мувофиқлаштириш, ролларни белгилаш кабиларни ўз ичига олади. Таҳлилий марказлар шу тарзда тадқиқот олиб боради. Замонавий жамиятлар тафаккур ишлаб чиқариш ва қарор қабул қилишда жамоавий фикрлаш, жамоавий иш ва институционал фаолиятни қадрлашади. Бугунги кунда маълум бўлган шаклдаги тадқиқот марказлари тушунчаси, на мусулмон оламида, на Ғарбий Европада кенг тарқалган эди. Бундай муассасалар заруратдан ва тажриба тўплашдан пайдо бўлган замонавий идоралардир.

Бироқ, тарих Қадимги Юнонистонда Афлотун суҳбатлари ва Арасту суҳбатлари каби жамоавий тафаккур, мулоқот ёки мунозараларни ривожлантириш учун ишлаган «таҳлилий марказлар» моделларини кашф этади. Имом Абу Ҳанифа Нўмон мусулмон цивилизациясининг ёрқин намунасидир. У ўз шогирдларини баҳс-мунозараларга жалб қилиб, бирор масала юзасидан ўз шахсий фикрларини билдиришга ва яхлит тушунчага эришиш учун уни муҳокама қилишга имкон берарди.

Шундан кейингина Абу Ҳанифа ўз фикрини билдирарди.<sup>68</sup> Унинг ўқитиш усули маърузадан кўра жамоавий ўрганишга ўхшарди. Унинг сафдошлари ва талабалари унинг фикҳини ёзиб, фикрларини ҳужжатлаштириб, бир-бирлари билан тез-тез маслаҳатлашиб турардилар. Шундай қилиб, Абу Ҳанифанинг фикҳини қайд этиш ва узатиш жамоа фикҳининг бир шакли эди. Фикрлаш жараёнининг бошқа бир шаклидаги мусулмон файласуфларининг Басрадаги махфий жамияти Ихвон ас-Сафо ўзларининг жамоавий қарашларини ушбу гуруҳдаги шахсларнинг кимлигини яширадиган тарзда ифодалашни танлаганлар. Худди шунингдек, 1926-йили Лондондаги Қироллик Халқаро Муносабатлар Институтида маърузачиларнинг анонимлигини таъминлаш ва очқлик ва ахборот алмашинувини рағбатлантириш мақсадида «Чатем Хаус қоидаси» ташкил этилди. Маърузачиларнинг кимлиги ва мансублиги ошкор этилмайди. Мунозаралар маълум бир хулосага келгач, бу Институтнинг фикрига айланади.<sup>69</sup>

### **Ихтисослаштириш, содиқлик ва жамоавий ишларнинг аҳамияти**

Ихтисослашган таҳлилий марказларда ишлаш бу ишни ўзлаштириш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун тўла вақтли иш билан бандликни талаб этади. Ушбу касбнинг қиймати ишлаб чиқарадиган ғояларнинг қиймати билан мос келади. Худо Қуръонда мусулмонларга динни ўрганиш ва ўқитишга бағишланган гуруҳларнинг уруш пайтида ортда қолишни таъминлашни буюрган, бу эса билим ва таълимга сadoқат бир хил аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Боз устига, билим, маданият ва цивилизация яратиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатлар ҳар доим талаб қилинади, яъни муаммоларни

<sup>68</sup> Мухаммад Абу Захра «Имом Абу Ҳанифа: Унинг ҳаёти, фикрлари ва фикҳи» (Лондон: Мактаба Пабликейшнс, дастлаб 1945-йили нашр этилган), 2-боб, 9-бет.

<sup>69</sup> Қаранг: Чатем Хаус Қоидаси, Қироллик Халқаро Муносабатлар Институти (2017-йили 12-февралда олинди) <http://www.chathamhouse.org/about/chatham-house-rule>



ҳал қилиш керак бўлган ҳолатлар билан чекланмайди, шунингдек, ўзгариш ва ислохотни амалга ошириш учун ечимлар қабул қилиниши керак. Умнатга жамият тараққиёти учун истиқболли ғоялар ва стратегик қарашларни ривожлантиришга бағишланган гуруҳ ҳам керак. Ушбу тараққиёт узоқни кўрадиган истиқболлар асосида биргаликда ишлайдиган фидойи олимлар ва тадқиқотчиларни сафарбар этиш ва турли соҳаларда мувофиқлаштирилган режалаштириш орқали эришилмоқда. Бу таҳлилий марказлар ва тадқиқот марказларининг ишидир. Таҳлилий марказларда ишлаш – бу иш топиш воситаси эмас, балки қарор қабул қилувчиларга оқилона ва мувозанатли қарорлар қабул қилиш учун мустаҳкам пойдевор сифатида тақдим этиладиган муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича фикрларни ишлаб чиқаришнинг ҳаётий зарур соҳасини етаклаб бориши мумкин бўлган маҳоратлар мажмуи.

Ислом тарихи масжид, бозор, мактаблар, судлар ва «*ҳисба*» (жамоат жавобгарлиги) каби институционал ишларнинг моделларига гувоҳ бўлган. Бироқ, ижмо, ижтиҳод ва шўро каби баъзи соҳаларда ўз мақсадларига эришиш учун жамоавий фикрлаш ва ҳамкорлик қилиш зарурлигига қарамасдан, институционал тузилма мавжуд бўлмаган. Ушбу ривожланиш етишмаслиги бу соҳаларда янги ташкил этилиш, тизимлаштириш ва стандартлашнинг кўплаб мисоллари Пайғамбар замони ва Рошидун давридан буён мавжуд бўлса-да, содир бўлган.

Гуруҳ томонидан қўлланиладиган жамоавий ақлий табиатга шакл беришнинг қиймати мўътабар маълумотнома даражасига эга бўлган методология ва ташкилотчилик ва ишонч даражаси билан ажралиб турадиган ёндашувга асосланган ғояларни ишлаб чиқаришда ётади. Яхши жамоа – бу мутахассислик ёки тажрибанинг ортиқча нусхалари эмас, балки исталган мақсадларга эришишда бир-бирини тўлдирадиган турли хил билим ва тажрибага эга бўлган аъзолардан иборат бўлгандир.

## Таҳлилий марказларнинг эволюцияси ва тенденциялари

Ғоялар тарихига оид манбалар замонавий дунёда таҳлилий марказларнинг келиб чиқиши тўғрисида турлича фикр юритмоқда. Дастлабки моделлар қаторига 1787-йилда ташкил этилган «Африка кул савдосини бекор қилиш жамияти»,<sup>70</sup> 1831-йилда ҳарбий фанларни ўрганиш учун ташкил этилган Лондондаги Мудофаа тадқиқотлари бўйича Қироллик Қўшма Институти (RUSI)<sup>71</sup> ва 1884-йилда Лондонда ташкил этилган Социалистик Фабиан Жамияти<sup>72</sup> киради. Ўйгирманчи асрда 1910-йилда Вашингтонда (Колумбия округи) ташкил этилган Карнеги Халқаро Тинчлик Жамғармаси каби таҳлилий марказлар тўлқини пайдо бўлди. Манбалар шуни кўрсатадики, бугунги кунда танилган «таҳлилий марказ» стандартига эга бўлган биринчи тадқиқот маркази 1916-йилда Вашингтонда ташкил этилган Брукингс Институтидир.

Ҳукуматлар ёки давлат идоралари билан боғлиқ таҳлилий марказлар аксарият мамлакатларда муҳим ҳодисага айланган. Улар мансабдор шахсларга аниқ қарорлар қабул қилишга қаратилган махсус билимлар беришади. Бошқа таҳлилий марказлар давлат сиёсати, стратегик қарашлар, иқтисодий ёки ижтимоий масалалар билан боғлиқ йирик масшабли тадқиқотларга қизиқиш билдирмоқдалар.

Таҳлилий марказлар ҳам рақобат сиёсий партиялар, университетлар билан алоқадор бўлиши ёки бутунлай мухтор бўлиши

<sup>70</sup> Лоуренс В. Рид «Дунёни ўзгартирган талаба иншоиси: Томас Кларксоннинг илҳомлантирувчи ҳикояси», 4-нашри, (Мидленд, Мичиган: Макинак Центер фор Паблик Полиси, 2009), 3-4-бет.

<sup>71</sup> Салман Шайх «Таҳлилий марказлар: Жаҳон ҳамжамияти учун ижтимоий манфаат», Брукингс Институти, 2014-йили 6-апрель (2017-йили 12-февралда олинди) <https://www.brookings.edu/opinions/think-tanks-a-social-good-for-the-global-community/>

<sup>72</sup> Фабиан жамияти инкилобий ўзгаришларни эмас, Британияда эволюцион социализмни тарғиб қилган. Қаранг: Анджей Динийеко «Кеч Викториа давридаги Британияда Фабиан Жамияти», Зе Викториа Веб (2017-йили 12-февралда олинди) <http://www.victorianweb.org/history/fabian.html>.

мумкин. Бирок, объектив ва ҳақиқий ахборотни тақдим этиш учун, таҳлилий марказларга бюрократик чегаралар билан чекланмасдан, етарли интеллектуал эркинлик берилиши зарур. Бундан ташқари, ҳукумат, сиёсий партиялар ёки йирик корпорацияларнинг қарор қабул қилувчилар ва бошқалар учун тавсиялар сўраб, таҳлилий марказларнинг маслаҳат хизматларини сотиб оладиган турли ташкилотлар мавжуд. Таҳлилий марказларнинг мақсадлари ақлий ва сиёсий қарашлари, маблағ ажратиш манбалари ва манфаатларининг хилма-хиллигига қараб катта фарқ қилади. Шунга қарамай, аксарият таҳлилий марказлар умумий мақсадларга эга, шу жумладан:

- 1) Тадқиқотлар орқали мақсадли гуруҳларга хизмат кўрсатиш учун ғоялар яратиш;
- 2) Тадқиқотчиларни қизиқтирадиган соҳаларда тадқиқотлар олиб бориш самарадорлигини ошириш;
- 3) Муайян гуруҳларни ёки жамоатчиликни хабардор қилиш ва тарбиялаш, шунингдек, нашрлар ва оммавий ахборот воситалари орқали таҳлилий марказлар ғояларини тарғиб қилиш.

Бирок, кўпчилик таҳлилий марказлар ўз вазифаларини қарорларни қабул қилишни осонлаштирадиган бетараф сиёсий ғояларни тақдим этишдан ички ёки халқаро масалалар бўйича танлаган сиёсатини ҳимоя қилувчи лобби ва босим гуруҳларига айлангандилар. Таҳлилий марказлар алоқа тармоқлари билан боғлиқ ва давлат, хусусий ва медиа соҳаларида қарор қабул қилувчиларга таъсир кўрсатишади. Шундай қилиб, таҳлилий марказларнинг тарафкашлиги рақиблар ва манфаатдор томонлар ўртасида «ғоялар уруши»га ҳисса қўшади.

Бундан ташқари, таҳлилий марказлар авантюристлик мафкуравий майлларни, йирик корпорацияларнинг ёки қурол ва мудо-

фаа саноатининг манфаатларини қўллаб-қувватлайдиган ёки умумбашарий таъсир кўрсатадиган сиёсий ва ҳарбий ечимларни илгари суриш орқали дунё тартибини ўзгартирмоқчи бўлган мутафаккирларнинг марказига айланди.

Европа ва АҚШ ўртасидаги манфаатлар ва таъсир учун рақобат икки француз муаллифлари томонидан «ғоялар урушининг миялари» деб таърифланган таҳлилий марказларнинг маҳсулоти бўлган кўплаб яширин рақобатчи интеллектуал схемаларни очиб берди.<sup>73</sup> Таҳлилий марказлар ҳам, айниқса, уларнинг ғоялари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганда, жамоатчилик фикрини шакллантиришни ёки уни манипуляция қилишни осонлаштириши мумкин.<sup>74</sup> Бироқ, барча таҳлилий марказлар бу турга тегишли эмас. Ғарбдаги юзлаб таҳлилий марказлар дунёга хизмат қилиш ва унга ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун имкон берадиган стратегик «ақлий тузилишлар» қуришга интилмоқда.<sup>75</sup> Агар таҳлилий марказларнинг ривожланиши жамиятнинг ақлий тузилишининг бойлигини акс эттирса, унда мусулмон дунёсининг жамиятлари асосан ақлий жиҳатдан камбағал деб айтиш мумкин.

Жамоавий тадқиқот лойиҳалари орқали ғояларни ишлаб чиқариш ва ривожлантириш билан бир қаторда, ушбу жамиятларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган тегишли қарорлар қабул қилиш учун эпистемологик асосларни таъминлайдиган кўплаб махсус таҳлилий марказларни яратиш жуда муҳимдир.

---

<sup>73</sup> Стивен Буше ва Мартин Ройо «Les think tanks: Cerveaux de la guerre des idées», 3-чи қайта кўриб чиқилган тўлдирилган нашри (Эдисьонс дю Фелин, 2012, дастлаб 2006-йилда нашр этилган).

<sup>74</sup> Кэтлин А. Франкович, SAGE жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича қўлланмасидаги «Экзит-пол ва сайловолди сўроқлашлари», Вольфганг Донсбах ва Майкл В. Трауготт (таҳрирлар), (Лондон: SAGE Publications, 2008), 570-579-бет.

<sup>75</sup> АҚШда ушбу турдаги 180дан ортик таҳлилий марказлар мавжуд. Уларнинг 400га яқини бош қароргоҳи Вашингтонда (Колумбия округи) қарор қабул қилиш марказига яқин жойлашган, хусусан, Брукингс Институти, RAND Корпорацияси ва Карнеги Халқаро Тинчлик Жамғармаси. Бундан ташқари, Европада 1200дан ортик ва Хитойда 425га яқин бундай таҳлилий марказлар мавжуд.

## Таҳлилий марказлар соҳасидаги тадқиқотлар

Дунё бўйлаб таҳлилий марказлар сони геометрик прогрессияда ўсиб, уларнинг манфаатлари кенг тарқалган ва таъсири ортган. Уларнинг сиёсий ва иқтисодий воқеалар ва ривожланишларни йўналтириш ва уларга таъсир кўрсатиш қобилияти ташвишлидир. Шунинг учун бугунги кунда турли тадқиқот гуруҳлари таҳлилий марказларнинг мавзусини, ишининг табиати ва мақсадини, айниқса, жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситаларининг «манипуляцияси», шунингдек, сиёсатда ва бизнесда қарорларни қабул қилувчиларга тақдим этиладиган тавсияларнинг табиати билан боғлиқ бўлган масалаларни ва зиддиятларни фаол равишда ўрганмоқдалар. Таҳлилий марказлар учун маблағ ажратиш манбалари ва ушбу манбаларнинг шаффофлик даражасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай тадқиқот гуруҳларига қуйидагилар киради: «Транспарифай» (Transparify, Гуржистон), «Гарвард Университетидаги Эдмонд Ж. Сафра Ахлоқий Маркази» (*Edmond J. Safra Center for Ethics at Harvard University*, АҚШ), ва «Сиз учун ким маблағ ажратади: Буюк Британиянинг Таҳлилий Марказлар Шаффофлиги учун Кампанияси» (*Who funds you: The UK Campaign for Think Tank Transparency*).

2014-йилда Transparify 47та мамлакатда ўтказилган 169та таҳлилий марказларнинг сўроқ натижаларини эълон қилди ва кўплаб йирик таҳлилий марказлар молиявий жиҳатдан шаффоф эмаслигини кўрсатди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, 169та таҳлилий марказлардан атиги 21 юқори шаффофликка эга (16 мамлакатда), 14 – тўла шаффоф, 134 эса – чекланган молиялаштириш маълумотидан тегишли молиявий маълумотнинг етишмаслигича фарқ қилди. Сўров натижаси шундаки, Черногория АҚШга қараганда шаффоф таҳлилий марказларга эга, гарчи Америка танлови етти баравар кўп. Ҳисоботда айтилишича, таҳлилий марказлар сиёсатчилар, оммавий ахборот воситалари

ва жамоатчилик учун мустақил сиёсий тадқиқотлар ўтказишда ижобий роль ўйнаши мумкин бўлса-да, уларнинг маблағ ажратиш манбаларига нисбатан шаффофликнинг йўқлиги «яширин дастурлар ҳақида саволлар туғдириши мумкин ва шунинг учун таҳлилий марказлар секторининг умуман самарадорлигига пу-тур етказиши мумкин».<sup>76</sup>

Бутун дунё бўйлаб таҳлилий марказлар, уларнинг мақсадлари, тенденциялари, таъсири ва фаолиятини ўрганиш учун ажойиб уриниш бу Пенсилвания университетининг Таҳлилий марказлар ва фуқаролик жамиятлари дастуридир (TTCSF). У ҳар йили бутун дунё бўйлаб таҳлилий марказларнинг жаҳон кўрсаткичини эълон қилади ва дастурнинг шиорини таъкидлайди: «Билим ва сиёсат ўртасидаги фарқни бартараф этишга ёрдам». Ўзининг 2013-йилги «Global go to Think Tank Index» рейтингида катта экспертлар гуруҳи 6 826 таҳлилий марказларни сифат, бошқарув, мустақиллик, хилма-хиллик ва уларнинг фаолиятлари самарадорлиги билан боғлиқ кўплаб мезонларга асосланиб номзод қилиб кўрсатди ва баҳолади. Таҳлилий марказлар ҳам жуғрофик ҳудудлар ва тадқиқот соҳаларига кўра баҳоланади.<sup>77</sup>

Ушбу кўрсаткичнинг аҳамияти нафақат унинг натижаларида, балки кўплаб мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган юқори даражадаги назорат, мезонлар ва муайян тартиблар билан тавсифланган методологияда ҳам ётади. Бу турдаги тадқиқотлар таҳлилий марказларнинг раҳбариятини илгари устувор бўлмаган ишларига оид кўплаб муаммолар ҳақида огохлантирмоқда. Кўрсаткичнинг тоифалари ва мезонларининг муҳим жиҳатлари ҳақида сўраладиган саволлар таҳлилий марказларнинг ишини

---

<sup>76</sup> Транспарифай, Таҳлилий марказлар: уларни молиялаштираётгани ҳақида қанчалик шаффоф? (Тбилиси, Гуржистон: Транспарифай, 2014-йили, 7-май), 3-бет. (Transparify, How Transparent are Think Tanks about Who Funds Them? (Tbilisi, Georgia: Transparify, May 7, 2014), p.3)

<sup>77</sup> Жеймс Г. Макгэнн, 2013 Global Go To Think Tank Index Report (Филадельфия, Пенсилвания: Пенсилвания университетининг Таҳлилий марказлар ва фуқаролик жамиятлари дастури, 2014).

ва устуворликларини қайта баҳолаш ва қайта мослаштиришга ёрдам беради.

Икки маънолилик, айрим йирик таҳлилий марказларнинг ишини ҳам қамраб олиши мумкин ва бу дудмоллик уларнинг таъсири учун калит ҳисобланади. Таҳлилий марказлар фуқароларнинг дунёни тушунишига катта таъсир кўрсатади ва ҳукумат, корхоналар ва оммавий ахборот воситаларининг сиёсатини шакллантиради. Американинг сиёсий тизими ва сиёсатига таҳлилий марказларнинг таъсири чуқур бўлса-да, бу ҳодисани таҳлил қилиш жуда тор доирада қолган эди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таҳлилий марказлар ўзларининг камчиликларини таҳлил қилишдан кўра ташқи муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун яхши жиҳозланган. Бу таҳлилий марказларга, хусусан, хавфсизлик, мудофаа, иқтисодиёт ва атроф-муҳит соҳаларида берган сиёсий тавсияларнинг оқибатларини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидламоқда.

Бу жуда муҳимдир, чунки таҳлилий марказлар тез-тез долзарб ва ҳаётий зарур саволларга жавобан сиёсий тавсиялар беришда рақобатлашади.<sup>78</sup>

## **Таҳлилий марказлар ва оммавий ахборот воситалари**

Таҳлилий марказлар оммавий ахборот воситаларига кўпгина даражада таянади. Баъзи таҳлилий марказлар ва айрим оммавий ахборот воситалари, хусусан, миллионлаб одамлари томоша қилаётган телевизион тармоқлар ва сўнгги вақтларда бутун дунё бўйлаб осонлик билан ўтиш мумкин бўлган электрон медиа ўртасида умумий мафкуравий тенденциялар мавжуд. Ом-

---

<sup>78</sup> Таҳлилий марказларни ўрганган ва уларни бошқариш бўйича саволлар туғдирган китоблар орасида: Доналд Абелсон «Капитолий Ғояси: Таҳлилий марказлар ва АҚШнинг ташқи сиёсати» (Монреал: Макгилл-Квинс Университи Пресс, 2006). Мюррей Вейденбаум «Ғоялар рақобати: Вашингтон таҳлилий марказлари олами» (Пискагауэй, Нью-Жерси: Транзэксн Паблшерс, 2011). Томас Медвец «Америкада таҳлилий марказлар» (Чикаго: Университи оф Чикаго Пресс, 2012).

мавий ахборот воситалари мунтазам равишда таҳлилий марказларнинг мутахассисларни қабул қилади ва бу муассасалар томонидан тайёрланган ҳисобот ва тавсияларни ёритиб боради. Кўплаб оммавий ахборот воситалари таҳлилий марказлар билан бевосита боғлиқ. Машҳур журналлар таҳлилий марказлар томонидан чоп этилади. Қатор журналистлар таҳлилий марказларни бошқаришда давом этмоқдалар ёки у ерда катта илмий ходимларга айланадилар. Шу билан бирга, кўплаб шахслар таҳлилий марказларда ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг намоён бўлмоқда.

Моддий маҳсулотлар қандай сотилиши бўйича маркетинг ғоялари жуда зиддиятли тушунча бўлган эди. Шунга қарамай, таҳлилий марказлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар аниқ симбиотик ҳисобланади. Журналистлар, одатда, репортажларни ёки стунларни тўлдириш мақсадида маълумот олиш учун таҳлилий марказлардаги мутахассислар ва тадқиқотчиларга мурожаат қилишади. Ўз навбатида, таҳлилий марказларнинг тадқиқотчилари оммавий ахборот воситалари орқали шуҳрат ва обрўга эга бўладилар, у ерда улар «эксперт» сифатида қабул қилинади ва уларнинг қарашлари телевидение, радио ва матбуотдаги янгиликлар ва ток-шоуларда ёритилади. Сўнгги йилларда, таҳлилий марказлар мутахассислари электрон оммавий ахборот воситаларида кўпроқ имкониятлар топдилар. Боз устига, айрим таҳлилий марказлар телевидениеда ёки интернетда мунтазам равишда медиа дастурларни тақдим этишади. Кўплаб тадқиқотлар оммавий ахборот воситалари томонидан намоёиш этилаётган мунтазам тарафкашликни ва одамлар, сиёсатчилар ва сиёсий шарҳловчилар, масалан, таҳлилий марказлар тадқиқотчиларидан эшитаётган нарсаларга қараб, жамоатчилик тушунчаси қандай шаклланишини ҳужжатлаштирди.<sup>79</sup>

---

79 Масалан, қаранг: Эдвард С. Херман ва Ноам Хомский «Саноат розилиги: Оммавий ахборот воситаларининг сиёсий иқтисоди» (Нью-Йорк: Пантеон, 2002).



## Араб оламидаги таҳлилий марказлар

Замонавий жамиятлардаги таҳлилий марказлар илмий, маданий ва цивилизацион тараққиётини, шунингдек, жамиятнинг ҳаётийлигини акс эттиради. Бироқ, араб тадқиқотлари ва ўрганишлари ҳаракатлари, айниқса, минтақадаги ҳаётий масалалар таҳлили ва статистикаси билан боғлиқ камбағаллигини кузатиш жуда ачинарлидир.

Ушбу турдаги мавжуд маълумотлар озми-кўпми шахсий тажриба ва шахсий таассуротларга асосланган.<sup>80</sup> Араб дунёси ҳақида тегишли маълумотларни қидираётган тадқиқотчи хорижий муассасалар томонидан олиб борилаётган тадқиқотларга мурожаат қилиши керак бўлади.

Илмий тадқиқотларда узатилаётган ахборот араб мамлакатларида амалдорлар томонидан қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бироқ, ҳақиқат шундаки, бундай қарорларнинг аксарияти учун асос қарор қабул қилувчиларнинг ёки атрофдаги одамларнинг, шу жумладан, хорижий маслаҳатчиларнинг шахсий «кайфиятига» боғлиқдир.<sup>81</sup> Маълумотлар талаб этилганда, араб қарор

---

80 Биз бу ерда ҳукуматлар ва хавфсизлик хизматлари самарали хужжатлаштириш ва фойдаланишга интилаётган араб дунёсидаги мухолиф кучлар билан боғлиқ маълумотлар ва таҳлиллар учун истисно қилишимиз мумкин.

81 Валид Абд ал-Ҳади Иорданияда таҳлилий марказларнинг ролини ўрганишда кироликдаги қарор қабул қилувчилар давлат томонидан молиялаштирилаётган тадқиқот марказлари ўтказадиган тадқиқотларга ва маълумотларга таянмайди, деган хулосага келади. Масалан, қарор қабул қилувчининг ҳукумат мансабдорини тайинлаш ва лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги қарори Иордания Университетининг стратегик тадқиқотлар маркази томонидан ҳукумат ва бош вазирларнинг машурлигини ўрганиш учун ўтказилган жамоатчилик фикри сўроқлаши натижаларига боғлиқ эмас.

Қаранг: Валид Абд ал-Ҳади «Давр Маракиз ал-Абҳас фий Синаъат ал-Қарар ас-Сиясий ал-Урдун 1989-2010» (Иорданияда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида тадқиқот марказларининг роли 1989-2010), Ал-Абҳас ан Сун ас-Сиясат ал-Амма фий ал-Алам ал-Арабий дастури сериясида (Араб дунёсида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича тадқиқот), (Байрут: Байрут Америка Университетининг Иссам Фарес Давлат Сиёсати ва Халқаро Муносабатлар Институту, Октябрь, 2012), №11 Иш қоғози, 13-14-бет.

қабул қилувчилар кўпинча халқаро ташкилотлар ҳисоботларига (Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби) ёки Ғарбнинг таҳлилий марказлар ҳисоботларига таянадилар.

Шуниси диққатга сазоворки, бундай муассасалар кўпинча араб мамлакатларини Исроил, Туркия ва Эронни ўз ичига олган Яқин Шарқ ва Шимолий Африка (MENA) минтақасининг бир қисми сифатида ўрганадилар. Бинобарин, араб дунёси билан боғлиқ маълумотларни хорижий тадқиқотларида топиш учун араб давлатларига маълумотларни бутун минтақадаги маълумотлардан ажратиш учун кўшимча ҳаракатлар қилиш керак. Масалан, 2013-йилда Global Go To Think Tank Index ҳисоботи араб дунёсида таҳлилий марказлар учун махсус тоифага эга эмас, лекин у MENA минтақасидаги араб мамлакатларини ўз ичига олади. MENA минтақасидаги таҳлилий марказларнинг 50тасини Ал-Аҳрам Сиёсий ва Стратегик Тадқиқотлар Маркази (Миср) бошқаради. Араб бўлмаган мамлакатлардан, маслалан, Туркиянинг 4та марказ 50 тўпга киради, Исроил – 11, Эрон – 1. Қолган ўринларни араб давлатлари эгаллаб турибди. MENA минтақасидаги энг яхши 5та таҳлилий марказларга Американинг қуйидаги таҳлилий марказларнинг филиаллари киради: Дўҳадаги Брукингс Маркази (Қатар) ва Карнеги Яқин Шарқ Маркази (Ливан).<sup>82</sup>

Шу билан бирга, кўплаб араблар ёки араб асли бўлган одамлар хорижий таҳлилий марказларда ишлашади ва муваффақият қозонишади, хаттоки кўплари Ғарбда ўз таҳлилий марказларни ташкил этишгани эътиборга лойик.

Араб дунёсидаги «тадқиқот қашшоқлиги» бошқа давлатларга нисбатан араб таҳлилий марказларининг камтарона сониди яққол кўринади. Ушбу қашшоқлик сифат жиҳатдан ҳам акс этади, араб тадқиқот марказлари ишлаш кўрсаткичлари бўйича

---

<sup>82</sup> Макгэнн, 2013 Global Go To Think Tank Index Report, 49-50-бет.

жуда паст балл олдилар. Айтиш мумкинки, араб мамлакатларида таҳлилий марказлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти тадқиқот лойиҳалаш ва методологияси жиҳатдан заифлиги билан ажралиб туради. Сифатли тадқиқотлар олиб борилганда ҳам, қарор қабул қилувчиларга камдан-кам ҳолларда етиб боради ва агар улар эришилса, қарор қабул қилиш учун маслаҳат бериш ўрнига маълумот манбаи сифатида ишлатилади.<sup>83</sup>

Сўнгги йилларда араб мамлакатларида таҳлилий марказлар кўпайган ва кенг тарқалган бўлса-да, ушбу ривожланишни учта жиҳатдан умумлаштириш мумкин:

- 1) Араб пойтахтларида хорижий таҳлилий марказларнинг филиалларининг очилиши;
- 2) Илмий фаолиятини хорижий таҳлилий марказлар билан ҳамкорликда амалга оширадиган ва саховатли молиялаштиришда маҳаллий тадқиқот марказларини ташкил этиш;
- 3) Хорижий тажрибадан фойдаланиш орқали ўзларини тарғиб қилувчи, айниқса, инсон тараққиёти ёки лойиҳаларни бошқариш ўқув дастурлари соҳасида маҳаллий тадқиқотлар, маслаҳат ва ўқув марказларини ташкил этиш.

Ушбу дастурларда ишлатиладиган материаллар асосан таржима қилинган хорижий материалларга боғлиқ бўлиб, уларнинг сертификатлари чет эл муассасалари томонидан тайинланган.

---

<sup>83</sup> Валид Абд ал-Ҳади «Давр Маракиз ал-Абхас фий Синаъат ал-Қарар ас-Сиясий ал-Урдуни 1989-2010», 18-бет.

## Ғарбий таҳлилий марказларда мусулмон масалалари

«Маданиятлар тўқнашуви» атамаси йигирманчи асрнинг сўнги чорагида америкалик мутафаккирлар Бернард Люис<sup>84</sup> ва Сэмюэл Хантингтон<sup>85</sup> томонидан тарғиб қилинган Ислом ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар орқали кенг тарқалган. Иккаласи ҳам АҚШ консерватив таҳлилий марказларнинг экспертлари. Бундай қизиқиш 2001-йили 11-сентябрдаги террористик хужумларидан сўнг, кейин эса «Араб баҳори»нинг ўзгаришлари билан кучайди.<sup>86</sup> Бундай масалалар нафақат сиёсий ва ҳарбий қарорлар қабул қилувчиларнинг, балки бутун мафкуравий ва ақлий спектрни ифодаловчи таҳлилий марказларининг ҳам диққат марказида бўлди.

2014-йилда Вашингтон шаҳридаги Жорж Вашингтон Университетида икки профессор томонидан ўтказилган тадқиқот – «Исломийлик индекси»дан фойдаланиб, мамлакатлар иқтисодий ютуқлар, бошқарув, инсон ва сиёсий ҳуқуқлар ва халқаро муносабатлар соҳаларида Қуръоннинг идеалларига қанчалик мос келишини баҳолаш учун ишлатилди. Натижалар шуни кўрсатдики, ўрганилган 208 мамлакатда «мусулмон давлатлари жуда ёмон аҳволда» ва уларда диндан ҳокимият воситаси сифатида фойдаланишга мойилдирлар.

---

<sup>84</sup> Бернард Люис «Мусулмон ғазабининг илдиэлари», Зе Атлантик, 1990-йили сентябрь (2017-йили 12-февралда олинди)  
<https://www.theatlantic.com/magazine/archive/1990/09/the-roots-of-muslimrage/304643/>

<sup>85</sup> Сэмюэл П. Хантингтон «Маданиятлар тўқнашуви», Форин Аффферс, 1993-йили ёзги нашр, (2017-йили 12-февралда олинди)  
<https://www.foreignaffairs.com/articles/united-states/1993-06-01/clashcivilizations>.

<sup>86</sup> Масалан, Мисрда 2011-йили 25-январь инкилоби ҳақида америкалик уч таникли таҳлилий марказнинг нуктаи назарини ўрганилишини қаранг: Марва Абдулазиз «Ал-Аскар ва ал-Ихвон: Руьят Маракиз ал-Абхас ал-Амрикийя ли Мустақбал Миср Баъд ат-Тавра» (Қуролли кучлар ва биродарлик: Инкилобдан кейинги Миср Келажаги учун АҚШ таҳлилий марказларининг нуктаи назари), Мажаллат ас-Сияса ад-дувалийя (Қохира: ал-Аҳрам Фаундейшн, 2014-йили 7-июль).

Муаллифлардан бирининг қайд этишича, «Ислом динига эътиқод қилувчи ва Исломий деб аталадиган кўплаб давлатлар адолатсиздир, бузуқдир ва кам ривожлангандир, шунингдек, ҳеч қандай шароитда, Исломий эмасдир».<sup>87</sup>

Ҳар қандай тадқиқот натижалари тадқиқот жавоб беришга уринадиган саволлар турига қараб белгиланади. Саволлар сиёсат ва ҳукмдорлар сифатига қаратилганда, натижалар бошқачадир ва саволлар оддий одамларнинг ҳис-туйғулари ва хулқ-атвориغا қаратилса, натижалар жуда бошқача бўлади. Мусулмон бўлмаган тадқиқотчилар мусулмон дунёсида Исломга риоя қилиш воқелиги ҳақида тадқиқот олиб борганларида, улар турли саволларни келтириб чиқарадилар ва шунинг учун натижалар ҳам бутунлай бошқача. Мисол учун, 2013-йилда Pew Research Center тадқиқот маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар сиёсат ёки ҳукмдорлар ҳақида саволлар туғдирмади ва шунинг учун унинг натижалари дунёдаги аксарият мусулмонлар ўзларининг эътиқодларига қаттиқ содик эканликларини ва Исломий таълимотларнинг шахсий ҳаётлари ва жамоаларини шакллантиришларини ишталарини исботлаб, Исломий руҳни рағбатлантирди.<sup>88</sup> Бинобарин, керакли жавобларга олиб келадиган субъективликка асосланган саволлар ва ҳукм мезонларини шакллантиришни оқлаш қийиндир. Аслида, керакли натижаларга олиб келадиган саволларни тузиш жуда осон.

---

87 Пэтси Макгарри «Ирландия Ислом иқтисодий таълимотларига энг яқин», Зе Айриш Таймс, 2014-йили 9-июнь (2017-йили 12-февралда олинди) <http://www.irishtimes.com/news/social-affairs/religion-and-beliefs/ireland-closest-to-islamic-economic-teachings-1.1826354>  
Шунингдек, Профессор Хусайн Аскари билан Би-Би-Сига берган интервьюни томоша қилинг, Ирландия «Исломий индекси»нинг тепасида туради, Би-Би-Си, 2014-йили 4-июнь (2017-йили 12-февралда олинди) <http://www.bbc.co.uk/programmes/p020c0sq>

88 Пью Рисёрч Центер «Дунё Мусулмонлари: Дин, Сиёсат ва Жамият», 2013-йили 30-апрелдаги тадқиқот ва таҳлил. (Pew Research Center, The World's Muslims: Religion, Politics and Society).

## Дунё бўйлаб таниқли таҳлилий марказлар

Мақсадлар	Давлат	Ташкил этилган йил	Ном
Иқтисодиёт, давлат бошқаруви, сиёсий ва ижтимоий фанлар соҳаларида тадқиқотларни суриш ва олиб бориш.	<i>АҚШ</i>	<i>1916</i>	<i>Брукинг Институту<sup>89</sup></i>
Очиқ мунозара (Чатем хаус коидаси), энергетика, атроф-муҳит, захиралар, жаҳон иқтисодиёт, хавфсизлик, халқаро ҳуқуқ, ва минтакавий ўрганишлар бўйича тадқиқотлар.	<i>Буюк Британия</i>	<i>1920</i>	<i>Қироллик Халқаро Муносабатлар Институту (Чатем Хаус)<sup>90</sup></i>
Ижтимоий фанларнинг ривожланиши; билим, таълим ва умумжаҳон рақобат орқали Хитой тараққиётининг барқарорлиги. Мао Цзэдун фикрлари ва марксизм-ленинизмга асосланган истиқболли стратегияларга эътибор қаратади.	<i>Хитой</i>	<i>1977</i>	<i>Хитой Ижтимоий Фанлар Академияси<sup>91</sup></i>

<sup>89</sup> <https://www.brookings.edu/about-us/brookings-institution-history/> (2017-йили 12-евралда олинди)

<sup>90</sup> <https://www.chathamhouse.org/About> (2017-йили 12-февралда олинди)

<sup>91</sup> [http://casseng.cssn.cn/about/about\\_cass/](http://casseng.cssn.cn/about/about_cass/) (2017-йили 12-февралда олинди)

Мақсадлар	Давлат	Ташкил этилган йил	Ном
Урушнинг бекор қилиниши, дунё тинчлиги, халқаро ҳамкорлик, фуқаролик жамияти, халқаро ташкилотлар, иқтисодий кучлар ва технологик тараққиётга кўмаклашиш.	<i>АҚШ</i>	<i>1910</i>	<i>Карнеги Халқаро Тинчлик Жамғармаси<sup>92</sup></i>
Ташқи сиёсат ва хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳукумат, саноат ва илмий доиралар тажрибасини тизимлаштириш, ҳукуматга маслаҳат бериш ва жамоатчилик учун халқаро муносабатларда манба бўлишга интилиш.	<i>Япония</i>	<i>1959</i>	<i>Япония халқаро муносабатлар институти<sup>93</sup></i>
Амалий ижтимоий фанлар ва гуманитар фанлар бўйича тадқиқотлар, Араб дунёсининг асосий муаммоларини сиёсий таҳлил қилиш, ижтимоий, иқтисодий ва маданий сиёсатни таҳлил қилиш, арабларнинг кўшнилари ва Ғарб билан муносабатларини ўрганиш.	<i>Қатар</i>	<i>2010</i>	<i>Араб Тадқиқотлари ва Сиёсатни Ўрганиш Маркази<sup>94</sup></i>
Миср, Араб минтақаси ва дунёнинг стратегик сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий муаммоларини ўрганиш. Исроил ва Форс кўрфазини ўрганиш бўйича дастурларни ўз ичига олади.	<i>Миср</i>	<i>1968</i>	<i>Ал-Аҳрам Сиёсий ва Стратегик Тадқиқотлар Маркази<sup>95</sup></i>

<sup>92</sup> <http://carnegieendowment.org/> (2017-йили 12-февралда олинди)

<sup>93</sup> <http://www2.jiia.or.jp/en/aboutus.php> (2017-йили 12-февралда олинди)

<sup>94</sup> <http://english.dohainstitute.org/content/2dc3bc49-a4ef-42fe-83d2-806148106b7d> (2017-йили 12-февралда олинди)

<sup>95</sup> <http://acpss.ahram.org.eg/> (2017-йили 12-февралда олинди)

Мақсадлар	Давлат	Ташкил этилган йил	Ном
Разведка ва сиёсий доиралар ўртасида боғловчи бўлиб хизмат қилади. АҚШдаги турли разведка ва давлат идоралари ва сиёсий партияларнинг ишларини мувофиқлаштиради. Истиқболли қарашларни тайёрлайди.	<i>АҚШ</i>	<i>1979</i>	<i>Миллий Разведка Кенгаши<sup>96</sup></i>

<sup>96</sup> <https://www.dni.gov/index.php/about/organization/national-intelligencecouncil-who-we-are> (2017-йили 12-февралда олинди)



## Яқуний изоҳлар

Ақлий тузилиш – бу аниқ таъриф берувчи ва уни бошқалардан ажралиб турадиган асосий қарашлар тизимига эга бўлган тартиблилик ва бирлашганлик билан ажралиб турадиган тузилишдир. Соғлом ақлий тузилиш доимо кенг ривожланмоқда ва чуқурлашмоқда. Бу қурилишнинг мавзуси инсон зотининг ўзига хос хусусияти бўлган тафаккур бўлиб, уни Яратувчи уларга инъом этган ва юксалтирган. Бу ҳар бир инсон соғлом ўсиш, ривожланиш ва яхшиланиш учун зарур шарт-шароитлар билан ҳаётга татбиқ этишга интилиб, юқори даражада ғамхўрлик қилиши керак бўлган ишончдир.

Ушбу китобнинг мазмуни кўплаб саволларни кўтариб, ўқувчиларнинг ғоялари харитасининг асосий ақлий унсурлари ва хусусиятларини қайта кўриб чиқиш ва эсга олишига ундаши мумкин.

Ўқувчилар «тафаккур» ва «тасақурни» ушбу мавзу бўйича муҳокама қилишни давом эттириш учун унинг мазмунини оила аъзолари ёки ҳамкасблари билан муҳокама қилишни хошлашлари мумкин. Ўқувчилар ушбу материалда топилмаган ақлий унсурларни эсга олишлари мумкин. Бинобарин, улар бу унсурларни бошқа асарларда топишнинг янги вазифасини ўз олдига қўйишса бўларди. Улар ушбу контекстда илгари ўқиган бошқа мавзуларни эслашлари, шунингдек, ушбу ва бошқа материаллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар ҳақида ўйлашлари мумкин. Ана шу ўхшашлик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчилар бу китобни аввал ўқиган асарлар тоифаларидан бирига жойлаштиришлари мумкин. Бу китоб Ислом тафаккури тоифасига киради, лекин у маълум бир Ислом тафаккури мактабига мансубдир. Шу тарзда, ўқувчилар ушбу ақлий мактабга тегишли бўлган муаллиф ва мутафаккирларнинг машҳур номлари ҳақида фикр юритишлари мумкин.

Буларга ақлий уюшмалар, ақлий фаолият, ғояларнинг ўтиши ва фикр юриши мисол бўлади. Буларнинг барчаси инсон ақлий қобилиятидан соғлом фойдаланиш ҳолатини ақс эттирадиган инсоний ақлий фаолиятининг кўринишлари. Ушбу фаолиятни амалга оширишдаги ҳар қандай заифлик тафаккур жараёнларини ташкил этишдаги нуқсоннинг натижасидир ва уни бартараф этиш лозим.

Ўқувчиларнинг ақлий элитанинг жамиятдаги мавқеи ва улар жамоатчилик билан таққослаганда эга бўлган ақлий тузилишларнинг турли даражалари ҳақида бирор нарса ўрганганлар деган умид бор. Жамиятнинг табиий ҳолати – бу ақлий тузилишлар даражалари шахслар ва гуруҳлар ўртасида фарқланишидир. Бундай тафовут ҳар бир инсоннинг муайян ақлий даражасига эга эканлиги ва ҳар бир инсон жамиятда ўз ролини ўйнашини ҳисобга олган ҳолда ижобий жиҳатдир. Бу роллар жамиятда ақлий вазифаларни бажариш учун бирлаштирилган. Инсоннинг ўз ақлий тузилиши ҳақида ўйлашига умид бор. Кимдир сўраши мумкинки, мен ғоялар ва фикрлар жиҳатидан нимага эгаман? Қайси тафаккур мактаби менга энг яқин? Менинг ғояларим мажмуини ифодаловчи ақлий хаританинг хусусиятлари ва асосий унсурлари қандай? Ушбу хаританинг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатди? Бу омиллар ақлий харитамга қандай, қачон ва қай даражада таъсир қилди? Балки шунда инсон ўзида мужассамлашмоқчи бўлган ақлий ўрни аниқлашга мойил бўлади: олим, маданиятли зиёли, ҳуқуқшунос, ислоҳотчи, файласуф ёки мутафаккир ва бошқалар.

Тафаккур ва хулк-атвор ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг мувофиқлиги ва фарқларини шубҳа остига олиш мумкин. Тафаккур ва хулк-атвор изчил ёки номувофиқ бўлган ҳар иккала ҳолатни ифодаловчи жамоат арбобларининг мисоллари ёдга тушиши мумкин. Инсон бу борада ўзи истаган ёки танлаган ҳолати ҳақида мулоҳаза юритиши табиий. Инсоннинг шахсияти билан

боғлиқ бошқа саволлар ҳам ақлга келиши мумкин: инсоннинг ақлий ва ҳиссий тузилишлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва улар шахснинг шахсиятига қандай таъсир қилишлари. Бундай саволлар ақлий тузилиш мавзусига оид субъектив ва объектив ғояларни келтириб чиқаради. Агар бу ёзма материал ўқувчилар онгида шундай саволларни кўзгаб, уларга жавоб излашга ундаган бўлса, демак у айрим мақсадларига эришди.

## Муаллиф ҳақида

ФАТҲИ Ҳ. МАЛКАВИ – табиий-илмий таълим ва фан фалсафаси соҳаларида докторлик даражасига эга бўлган Иорданиялик ўқитувчи ва университет профессоридир. (Мичиган Давлат Университети, АҚШ, 1984) Табиий фанлар таълими ва тадқиқот методологияси бўйича ўттиздан ортиқ мактаблар ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар тузувчиси, шунингдек, илмий-амалий, академик журналларда олтмишдан ортиқ мақола ва илмий-тадқиқот ишлари муаллифи. Шунингдек, у Ислом таълими ва Исломий эпистемологияга бағишланган ўн саккиз жилдлик конференция ва семинарлар материалларини таҳрир қилган. Айни вақтда Халқаро ислом тафаккур институти тадқиқотчиси ва Иорданияда Араб тили академияси (Majma' Al-Lughah Al-'Arabiyyah) аъзосидир.

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институт нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмунидаги асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқилиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиламизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундайди.

«Тафаккур» масаласи мураккаб бўлиб, унинг шакли ва тузилиши замонавий муҳокаманинг жуда кучли қисмидир. Уни ким бошқаради ва нима учун? «Тафаккур» тушунчаси нимани англатади? Қандай ўрин тутади ва билим, маданият, фалсафа, адабиёт ва фикҳ (чуқур англаш, ҳуқуқшунослик) тушунчаларига қандай муносабатда бўлади? Мактаб ва университет маълумотида «тафаккур» тушунчасини ўрганишни қаердан топамиз? Ислом меросида унинг ривожланиши қандай тушунилади? Мутафаккир бўлиш учун ақл-заковатини ривожлантирмоқчи бўлганларга қандай ўқув дастурлари ёки воситаларини тақлиф қилиш мумкин? Алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки жамиятларнинг интеллектуал шакллантириш ва тузилиш даражасини ўлчаш учун қандай қилиб тест ишлаб чиқишимиз мумкин? Тафаккур ва тил ўртасида қандай муносабат мавжуд? «Тафаккур мактаблари» деганда нима тушунилади?